

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ВА ИЖТИМОИЙ
ФАНЛАФАКУЛЬТЕТИ**

**Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими йўналиши**

Қўлёзма ҳуқукида

МҲМАХТ 4 БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ ЗОИРОВ ЭЛДОРНИНГ

**ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ЖАҲОН
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ РОЛИ (И.А.Каримовнинг 2014 йил, 15-16 май
Самарқанддаги “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг
тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва
аҳамияти” номли нутқи асосида)**

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**5111600 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**Илмий раҳбар:
Ф.ф.н., доц. З.Ҳамидов**

РЕЖА

КРИШ.....	3
1 боб. Цивилизация тушунчаси ва моҳияти	10
1.1 “Цивилизация” тушунчаси.	10
1.2 И.А. Каримов Шарқ Ренессанс даври тўғриси.....	23
2 боб. Шарқ алломаларининг жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги роли	30
2.1 Ибн Сино ва Форобийнинг илмий фаолияти ва унинг жаҳон цивилизациясидаги роли.....	39
2.2 Шарқ алломаларининг жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги роли	51
Хулоса.....	65
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	70

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда инсон атрофида рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий каби ҳодисалар тараққиёт суръатларининг ўта тезлашиб бораётганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Бугунги кунда турли давлатлар, мамлакатлар ва миллатларнинг ўзаро алоқалари, яъни ижтимоий интеграция ниҳоятда кучайиб ва чуқурлашиб бораётган давр. Демак, ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири турли маданиятлар ва цивилизациялараро муносабатларнинг кенгайиб ва чуқурлашиб бориши билан боғлиқ.

Маълумки, тарихий тараққиётнинг ўзи цивилизациялар тараққиётига асосланган. Тарихнинг барча давларида ҳам цивилизациялар ўртасидаги муносабатлар мавжуд бўлган. Демак, цивилизация тарихий тараққиёт, яъни жамият ривожланишининг асосларидан бири сифатида доимо тарих билан ёнма-ён борган. Цивилизация инсоният ижтимоий интеграциясининг янги босқичи сифатида юзага чиқмоқда. Ҳар қандай цивилизация албатта, ўзи мавжуд бўлиши ва тараққий этиши учун ўзига ўхшаган бошқа цивилизациялар ва маданиятлар билан ўзаро алоқага кириши, уларнинг ривожига таъсир этиши ва бунинг натижасида ўзи ҳам тараққий этиши тақозо этилади. Бунга мисол қилиб, дунёга ўнлаб мутафаккир алломаларни етказиб берган Марказий Осиё цивилизациясини айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида **“Ўрта асрлар Шарк алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти”** мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Президентимиз ана шу мавзуда

маъруза қилди. У ўз маърузасида ўрта асарларда яшаб ижод қилган шарқ алломаларининг буюк илмий мероси бебаҳо эканлиги ва уларнинг бугунги тараққиёт ва келажак учун аҳамияти улкан эканлигини эътироф этди.¹

И.А.Каримов конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлади: “Бугунги конференциямизнинг мақсади – Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо беришдан иборат.

Ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш, Шарқнинг улуғ алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим деб ҳисоблайман””.

Кўриниб турибдики, жаҳон тарихида цивилизация ва айниқса, шарқ цивилизацияси улкан рол ўйнаганлиги, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Бу эса мазкур БМИ мавзуини нақадар долзарблигини ифода этади.

Цивилизация объектив ва қонуний жараён. Бу жараён жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган ҳолатда юзага келади. Ҳар қандай цивилизация маданиятга асосланади. Маданий тараққиётнинг кенгайиб ва чуқурлашиб бориши ўз навбатида цивилизациянинг туғилиши ва ривожланишига олиб келади.

“Цивилизация” ўта кенг тушунча, бундай сифатда у турли-туман маданиятларни ўз ичига олиши, унинг чегараларини ташкил этувчи улкан ҳудудлар ва халқларни бирлаштирувчи тизимдир. Бу маънода ушбу

¹ Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти”. Халқ сўзи., 2014 йил, 16 май. № 95. 1-2 бет.

тушунчанинг ўзи ҳам назарий жиҳатдан кўплаб миллатлар ва халқларни бир тизимга бирлаштиради.

Цивилизация турли миллатлар ҳаёти, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар бирлиги (хўжалик муносабатлари), табиий-географик шароитлар, кишиларнинг маданий-маънавий ва антропологик жиҳатлари тизимини ифодалайди. Айниқса, бундай тизимда миллий тил ва маданият катта ўрин эгаллайди. Чунки ҳар қандай цивилизациянинг моҳияти ва мазмуни ана шу омиллар билан белгиланади. Шу билан бирга ҳар қандай цивилизация ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсир асосида шаклланади ва шаклланиш жараёнида бошқа цивилизацияларнинг ютуқлари ва имкониятларидан фойдаланади, уларни ўзига сингдиришга ҳаракат қилади.

Цивилизациянинг субъектлари жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий, сиёсий, маданий, коммуникатив ва ахборот тизимлари орқали боғланган бўлиб, ҳозирги даврда бундай боғланиш миллатлараро ва давлатлараро ўзаро таъсирнинг янги глобал шаклида намоён бўлмоқда. Кўриниб турибдики, цивилизация бугунги куннинг энг долзарб, муаммоларидан бирига айланди.

Инсоният пайдо бўлибдики, у ўз тарихий тараққиётининг барча даврларида ҳам турли шакллардаги ижтимоий интеграция жараёни тизими доирасида ҳаёт кечирган. Тарихий тараққиёт доим ҳам турли субъектларнинг ўзаро боғлиқлигида амалга ошган. Демак, бундай интеграциянинг илдизлари жуда қадимий бўлиб, улар жамият шаклланишининг бошларига бориб тақалади.

Цивилизацияни ўрганиш жамиятнинг бугунги тараққиёти ва келажаги нуқтаи назаридан муҳим бўлиб, мазкур ҳолат бир неча жиҳатлар билан белгиланади. ”Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий - демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларимизни киритамиз. Бу инсон ҳуқуқларига риоя этиш,

тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳаказолардир”.²

Мавзуни ўрганилганлик даражаси. Биринчидан, ўрта асрлар Шарқ алломаларининг тарихий мероси кўп ўрганилган, лекин айнан унинг жаҳон цивилизацияси ва ҳозирги замон тараққиётига таъсири масаласи кам тадқиқ қилинган масала бўлиб, у биринчи марта 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломаларининг жаҳон цивилизациясидаги роли” мавзуидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги нуткида кўтарилди, деб айтиш мумкин.

“Цивилизация” сўзи биринчи марта 1819 йилда кўплик маъносида қўлланилиб, халқларнинг цивилизация тараққиётида турли туманлик тан олинди. “Цивилизация” сўзи “маданият” тушунчасига яқинроқ бўлганлиги сабабли дастлаб уларни айнан ҳолда ҳам қўлланилган. Лекин XIX асрда цивилизацияга бутунлай бошқа маъно берилди бошланди. Дастлаб “цивилизация” ва “маданият” тушунчалари деярли бир хил маънода қўлланилган бўлса-да, вақт ўтиши билан бу икки тушунчалар фарқлана бошланди.

XIX асрнинг бошларидаёқ цивилизацияга бағишланган бир қатор асарлар ва тадқиқотлар пайдо бўлди. Бу асарларда тараққий этаётган барча мамлакатларни цивилизация таркибига кирита бошладилар. Бундай асарлар қуйидагилар:

1. Француз мутафаккири Ф.Гизо “Европада цивилизация тарихи” (1828), “Францияда цивилизация тарихи”ни (1830).
2. Р.Бокль “Англияда цивилизация тарихи” (1857-1861) ”³.

²И.А.Каримов. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т. 1997, 147-б.

³ Василенко И.А.Политическая глобалистика.М.:Логос, 2000. -С.350.

Бу асарлар ва кейинроқ цивилизацияга бағишланган ёзилган асарларда цивилизацияга турлича таърифлар берилган. Масалан, рус олими Н.Данилевский цивилизацияни “маданий – тарихий тур”, О.Шпенглер “юксак маданият”, Тойнби тарихнинг асосини ташкил этувчи “локал цивилизация” П.Сорокин “маданий супертизм”, Ф. Бродель эса “маданий – тарихий ҳудуд” сифатида таърифлаганлар.

Айтиш мумкинки, ҳозирги даврда миллатлар ва турли халқлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий, маданий ва бошқа муносабатларнинг кенгайиб бориши ўрганилаётган мавзунини янада долзарб қилиб қўймоқда. Ҳозирги глобаллашув даврда цивилизациялар ва маданиятлараро ўзаро муносабатлар янада ривожланиб, тобора кенгайиб бормоқда. Бу нуқтаи назардан мазкур масалаларни ўрганиш янада долзарб хусусияти касб этмоқда. Бу соҳада сўнгги пайтларда ўзбек олимлари, Россиялик ва бошқа чет эл тадқиқотчилари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўрганилаётган масалага кўплаб олимлар қатори ўзбек олимлари ҳам катта эътибор қаратмоқдалар. И.Эргашев, С. Мамашокиров, Б. Тўйчиев, Қ. Назаров, Н.Шермухамедова, А. Бегматов, А. Хўжаев ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий асарларида цивилизация ва цивилизациялар ўртасидаги муносабатлар масаласига катта эътибор қаратилган.⁴ Уларнинг асарларида цивилизацияга турлича таърифлар берилган.

Бу масала бўйича сиёсатшунос олим И.Эргашевнинг фикрини келтириб ўтиш ўринли бўлади: “Цивилизация-ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихий-маданий ривожланиши, шаклланган қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, тафаккур тарзида намоён бўлади. ... Дунёнинг яхлитлиги унинг хилма-хиллигини инкор этмайди. Аксинча, ана шу турли хил маданият, дин, илм-фан ва адабиёт, санъат уни бойитади”.⁵

⁴Яковец Ю.В.Глобализация и взаимодействие цивилизаций.Экономика.Издание 2-е.Дополненное и переработанное.М.,Экономика.2003, История цивилизаций. М.:Владос, 1997, У истоков новой цивилизации.М.:Дело, 1993, Становление постиндустриальной цивилизации. М.: Экономика, 1992; Василенко И.А.Диалог цивилизаций: социокультурные проблемы политического партнерства.М.: Эдиториал УРСС, 1999;

⁵Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси.-Т.:Академия, 2000. 40- б. А.Хўжаев.Буюк ипак йўли. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.Давлат илмий нашриёти.Т., 2007.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Цивилизация жараёнини ўрганиш ва 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломаларининг жаҳон цивилизациясидаги роли” мавзуидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги нутқи асосида Шарқ алломаларининг жаҳон цивилизациясидаги ролини ўрганишдан иборат.

Цивилизация мапсаласини ўрганиш тарихий тараққиётнинг динамикаси ва тенденцияларини ўрганишни англатади, чунки цивилизация тарихнинг барча босқичларида ҳам у билан ёнма-ён амалга ошган

Иккинчидан, цивилизациялар ва улар ўртасидаги муносабатлар тобора чуқурлашиб ва кенгайиб бораётганлиги сабабли бу масалаларни ўрганиш жамиятнинг келажаги, тараққиёт йўналишларини ўрганиш ва истиқболларини аниқлаш билан боғлиқ

Учинчидан, цивилизация миллатлар ва мамлакатларни ўзаро боғлиқлигини кучайишига олиб келаётганлиги туфайли муаммо цивилизацияни интеграция, демократия, плюрализм, эркинлаштириш, модернизация ва толерантлик доирасида таҳлил этиш билан боғлиқ.

Тўртинчидан, цивилизацияни ўрганиш Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар ва миллатлар билан ўзаро алоқаларининг тарихи, йўналишлари ва истиқболларини аниқлаш ва уларнинг келажагини гуманизм, ўзаро тенглик, плюрализм каби тамойиллар асосида тўғри белгилашга ҳамда глобаллашув ва унга мослашиб бориш шароитида яшаш, миллийликни сақлаб қолишнинг янги ва самарали йўллари излаб топишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда цивилизация ва унинг келиб чиқиши, бу тизимнинг элементлари ва цивилизациялар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, цивилизацияларнинг бир-бирига таъсири каби масалаларни ўрганиш муҳим бўлиб қолди. Айтиш лозимки, мавжуд мамлакатлар ва миллатлар нафақат

иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан, илмий - маданий ва санъат тараққиётида ҳам ўзига хос тарихий даврларни бошдан кечирган. Жаҳон ҳамжамиятининг тараққиёти кўп жиҳатдан уларнинг тарих ва цивилизация доирасидаги ўрни каби масалаларга ҳам боғлиқ. Бу тизимда Ўзбекистоннинг ўрнини ўрганиш алорҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра Ўрта Осиё, жумладан мамлакатимиз ҳудудида яшаб ижод қилган буюк алломаларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини ўрганиш ва фалсафий таҳлил этиш муҳим масала ҳисобланади.

Цивилизация маълум қадриятлар тизимига асосланади. И.А.Каримов бу ҳақда шундай деб ёзади: “Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий - демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларимизни киритамиз. Бу инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳоказолардир”⁶.

Битирув малакавий ишининг объекти. Мазкур ишнинг объектини жаҳон цивилизацияси ва ҳозирги замон тараққиётида Шарқ алломаларининг ролини ўрганиш ташкил этади. Инсоният тарихдан ажралмас ҳодиса. Цивилизация ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалари доирасида муҳим ўрин тутди. Инсоният шакллана бошлабдики. у билан бирга ва ўзаро алоқадорликда тарих, маданият, цивилизация юзага келган. Мамлакатлар ва миллатлар иқтисодий-ижтимоий ҳаёти юксак тараққий этган даврлар цивилизация даврлари сифатида эътироф этилади.

Битирув малакавий ишининг предмети. Цивилизациянинг тарих тараққиёти билан алоқадор эканлиги, турли цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда унга Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган буюк асарлар ва уларнинг фаолияти таъсири, Шарқ мутафаккирларининг жаҳон илмий меросига қўшган ҳиссаси ҳамда бугунги кундаги аҳамияти

⁶ Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997. Б.-147.

масалаларнинг фалсафий жиҳатларини ўрганиш битирув малакавий ишнинг предмети ташкил қилади.

Битирув малакавий ишида билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик, аналогия, кузатиш усулларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти. Мазкур малакавий ишда мавзуси бундай тарзда битринчи марта қўйилган бўлиб, мавзуга оид материаллар тўпланган ва имкон даражасида ўрганилган. Бу материаллардан талабалар ва бу соҳада қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин. Унда келтирилган мисоллар ва айрим маълумотлар цивилизация соҳасини ўрганаётган мактаб, лицей ва коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари учун ҳам муҳимдир.

Битирув Малакавий иши Кириш, иккита боб ва учта параграфдан иборат бўлган Асосий қисм, Хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади. Жамита адабиётлар рўйхати келтирилган. Битирув Малакавий иши бетдан иборат. БМИ билан АДУ АРМ да ва Фалсафа кафедрасида танишиш мумкин.

1 боб. Цивилизация тушунчаси ва моҳияти

2.1 “Цивилизация” тушунчаси.

Жамиятнинг тараққий этиш тарихи цивилизациясиз амалга ошмайди. Жамият, тарих ва цивилизация ўзаро алоқадор ҳодисалар. Улар бир - бирини тақазо этади. “Цивилизация” ҳозирги кунда энг кўп қўлланиладиган тушунчалардан бирига айланган. Бу сўзни тадқиқодчилар турли маъноларда қўлламоқдалар. Ушбу тушунча эволюциясининг тарихига назар солсак, бу тушунча француз тарихчи олими Л.Феврнинг айтишича, биринчи марта 1766 йилда Франция маърифатпарварлари ва Англия маърифатпарварлари томонидан 1773 йилларда қўлланган. “Маданият” тушунчаси эса илк марта 1774 йилда илмий муомалага киритилган.⁷ “Цивилизация” тушунчасининг ўзаги латинча “civis” бўлиб, “шаҳарлик”, “шаҳарлашиш” маъноларини англатади. Дастлаб бу тушунча “silvaticus”, яъни “ёввойи”, “қўпол” тушунчаларига қарши қўйилган. Янги даврга келиб “цивилизация” “маданият”нинг синоними сифатида ҳам қўлланила бошланди. Ҳозирги даврда ҳам у маданий, иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг босқичи сифатида тушунилади.

Кейинроқ цивилизацияни Н.Данилевский “маданий – тарихий тур”, сифатида тасвирлаганлар. Келтирилган тушунчалар билан бир қаторда XIX асрда цивилизацияга бутунлай бошқа маъно берила бошланди. Жумладан, Америка антропологи Л.Морган ва унинг кетидан “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши” асарининг муаллифи немис марксист олими

⁷Февр Л.Цивилизация: эволюция слова и группы идей // Бой за историю. М.:Наука. 1991. 242-247 б.

Ф.Энгельс ушбу тушунчани инсоният тарихида ёввойилик ва варварлик босқичидан инсоният ҳақиқий жамиятининг босқичига ўтиш сифатида, аниқроғи, оила, хусусий мулк, синфлар ва давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарзда тушунган эдилар.

Дастлаб “цивилизация” ва “маданият” тушунчалари деярли бир хил маънода қўлланилган бўлсада, “Вақт ўтиши билан бу икки тушунчалар фарқлана бошланди. Цивилизация таркибига ривожланиш ҳолатида бўлган бир бутун мамлакатлар ва халқларни кирита бошладилар. 1819 йилда “цивилизация” сўзи биринчи марта кўплик маъносида қўлланилиб, халқларнинг цивилизация тараққиётида турли туманлик тан олинди. Ф.Гизо “Европада цивилизация тарихи” (1828), сўнгра “Францияда цивилизация тарихи”ни (1830) ёзади, Р.Бокль “Англияда цивилизация тарихи”ни (1857-1861) нашр этди”.⁸

Демак, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб “цивилизация” ва “маданият” тушунчалари фарқлана бошланди. Дастлаб цивилизация юксак иқтисодий, маданий – маънавий тараққиётни, кўп жиҳатдан диний тараққиётни англатган бўлса (масалан, Шпенглернинг фикрича, ҳар бир цивилизациянинг асосида дин ётади), кейинроқ маънавий тараққиёт кўпроқ маданият билан боғлана бошланди. Маданиятнинг моҳияти энди юксак цивилизация ҳамда унинг қўлга киритган улкан ютуқларини ифода этувчи маънавият шакллари ва даражаси билан боғлана бошланди.

“Маданият”тушунчаси ўзининг кўп жиҳатлилиги ва кенг қамровлилиги билан хусусиятланади. Маданият соҳасида тадқиқотлар олиб борган Я.Уайт, К.Клакхон, А.Кребер каби чет эл муаллифлари маданият ҳодисасини жамият аъзоларининг биргаликда яшашининг мазмуни, жамиятни эса ана шу мазмунни қамраб олувчи бир бутун тизим сифатида тушунадилар.

⁸ Василенко И.А. Политическая глобалистика. М.: Логос, 2000. 350 б.

Қайд этилган тушунчалар билан бир қаторда сўнгги пайтларда “дунё цивилизацияси” деган тушунча ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу тушунча аввало, дунёнинг умумий тарихи билан боғлиқ ҳолда қўлланилади. Дунё цивилизацияси дунё тарихининг маълум бир босқичини ифода этади ва бу тарихий босқичда инсоният ўзининг маълум эҳтиёжлари, манфаатлари ва интилишлари билан характерланади. Бундай цивилизация ўзининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, илмий жиҳатларига, моддий ишлаб чиқаришнинг босқичига, ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодий ва маънавий муносабатларига эга бўлиб, бу давр бир неча асрларни ўз ичига олиши мумкин. Дунё цивилизацияси ҳақида гап кетганда ушбу цивилизацияга ўз хиссасини қўшаётган бир неча цивилизациялар ва маданиятларнинг йиғиндисини назарда тутилади.

Цивилизация ижтимоий борлиқнинг ажралмас қисми ва жамият тарихи тараққиётининг белгисидир. “Тарих” тушунчаси “ижтимоий борлиқ” тушунчасига яқин, аммо мазмунан бир хил эмас. Тарих оддийдан мураккабга томон ҳаракат қилувчи, объектив, ва узлуксиз, ортга қайтмас ва чексиз жараёндир. Бу жараён ўз эволюциясида ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакни бирлаштиради. Бу нуқтаи назардан тарих ўзига хос босқичлардан иборат бўлган ва ворисликка асосланган эволюцион жараён.

Ҳар қандай миллат ёки мамлакат тарихи у ёки бу ҳолатда жаҳон цивилизациясига алоқадор. Жаҳон тарихи турли миллатлар ва халқларнинг турлича маданияти тарихи асосида шаклланган бўлиб, унда мазкур миллатлар ва халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти, тарихий қадриятлари, маданияти, турмуш тарзи, менталитети ва ҳ.к. акс этади. Жаҳон тарихи турли миллатлар ва халқларнинг хусусий тарихлари, маданияти ва цивилизациясининг синтези сифатида мавжуд бўлиши мумкин. Жаҳон тарихи миллатлар ва давлатларнинг тарихи билан бир қаторда цивилизация тарихига асосланган. Демак, жаҳон тарихи тараққиётини белгилаб берувчи турли цивилизациялар умумжаҳон

аҳамиятига эга бўлиб, уларнинг таъсирида бошқа кўплаб халқларнинг тарихи ҳам шаклланган ва ривожланган.

Тарихнинг илдизлари қанчалик чуқур бўлса, цивилизациянинг илдизлари ҳам шунчалик қадимий. Халқлар ва миллатларнинг маданияти, анъаналари кабиларнинг ривожланиши асосида уларнинг миллий тарихи ривожланди. Аста секин турли тарихларнинг ҳам ўзаро муносабатлари учун шароит пайдо бўлди ва бундай асосда жаҳон тарихи юзага келди.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг кенгайиб бориши натижасида алоҳида миллатлар, мамлакатлар ва давлатлар тарихлари бир-бири билан ўзаро алоқадор бўла бошлади. Ўз навбатида бундай алоқадорлик мавжуд муносабатларга акс таъсир кўрсатиб, уларнинг янада ривожланиши ва тараққий этишига олиб келди. Миллатлар ва давлатларнинг тарихлари цивилизация тарихига айландилар.

Кишилар ва жамиятлар ўз ҳаётида ўзаро муносабатларга ва алоқадорликка интиладилар. Улар алоҳида яшай олмайдилар. Цивилизация тарихи ва тарихий жараён мавжудлиги ва тараққиётининг диалектикаси шундайки, у алоҳида халқлар ва жамиятлар боғлиқлиги ва муносабатлари тарихи сифатидагина амалга ошиши мумкин. Бундай алоқадорлик ва муносабатларсиз миллат ёки бирор бир жамият тарихи жуда оддий, қисқа ва рангсиз бўлиши табиий. Бундай тарихнинг яшовчанлик хусусияти ҳам шаклланмайди. Масалан, турли сабабларга кўра бугунги кунда цивилизациядан ажралиб қолган халқлар тарихи сўзимизга мисол бўлиши мумкин. Уларнинг ҳаёти ҳақида нималарни айтиш мумкин?

Жамият тараққиёти билан бирга унинг ўзига ўхшаш жамиятлар билан ўзаро алоқалари кенгайиб ва чуқурлашиб боради. Улар биргаликда ижтимоий-иқтисодий алоқаларини кенгайтириб борадилар, моддий ва маданий бойликлар яратадилар, янгиликлар кашф қиладилар ва барча соҳаларда ижод қиладилар. Демак, доим кишилар, миллатлар ва турли жамиятлар табиий ҳолда ўзаро алоқаларга ва муносабатларга

интиладилар. Бадий, илмий ижод ва ижоднинг бошқа шакллари асосида инсоният янада кўпроқ янгиликлар яратиб боради, ҳамда бундай янгиликлар ўзаро алоқаларнинг янада кенгайишига таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, аста секин турли жамиятлар ўртасида интеграция жараёни юзага келади. Иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ҳамжамиятлар, корпорациялар шаклланади. Энди иқтисодий соҳага эргашиб, маданиятлар ва цивилизациялар ҳам ўзаро алоқага кирадилар. Цивилизациялар тараққий эта бориб, тарихнинг ўзи уларнинг алмашинуви сифатида намоён бўла бошлайди.⁹

Интеграциянинг юзага келиши ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун янги имкониятлар яратади, тарих субъектлари учун қулай шарт-шароитлар пайдо бўлади. Бу жараёнда тарих ва цивилизацияларнинг ўзаро муносабатлари биргаликда боради. Демак, эътироф этиш мумкинки, цивилизациянинг илдизлари дастлабки иқтисодий муносабатлар, дастлабки ҳарбий юришлар, давлатлар ўртасидаги урушлар, жаҳон динларининг шаклланиши каби тарихий ҳодисаларнинг юз бериши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси ҳозирги давр тарихининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган дастлабки ижтимоий омиллар ҳисобланади.

Тарихий жараён турли халқлар ва давлатларнинг муносабатлари, ўзаро таъсирлари ҳамда маданиятлараро ва цивилизациялараро мулоқотлардан ташкил топади. Демак, тарихий жараён ва унинг тараққиёти цивилизациядан ташқарида амалга ошмайди. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўз-ўзидан якка ҳолда амалга ошмайди. Унинг учун учун изоляция (иҳоталаниш) зарур эмас, аксинча, бошқа жамиятлар ва цивилизациялар билан ўзаро алоқалар зарур. Демак, ҳар қандай жамият, давлат ва миллатнинг тарихи унга ўхшаш бошқа жамиятлар ва уларнинг тарихлари орқалигина яратилади. Бундай ҳолат

⁹См. Тойнби А. Дж. Постигание истории. Сборник. М.: Прогресс, 1991. Шпенглер О. Закат Европы. Т.1. Образ и действительность. Новосибирск, Наука, 1993; Яковец Ю.В. Глобализация и взаимодействие цивилизаций. -М.: Экономика, 2003 и др.

эса маълумки, цивилизациялар ўртасидаги муносабатлар ва алоқаларсиз ҳамда уларнинг бир-бирига таъсирларисиз амалга ошмайди.

Халқлар ва давлатлар қанчалик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларини ривожлантириб борганлари сари, улар шунчалик интеграция, цивилизациялараро муносабатлар ҳамда глобаллашув жараёнига кириб борадилар. Шундай қилиб, тарихнинг ривожланиши натижасида юзага келган цивилизация жараёни бошқа халқлар тарихига таъсири орқали энди ўзи ҳам тарихни ярата бошлайди. Шундай қилиб, турли давлатлар ва халқлар цивилизация доирасига тортилиб боради. Бунинг натижасида алоҳида халқлар ва давлатларнинг тарихи ҳам жаҳон тарихига янада боғланиб боради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, цивилизациялар тизими турли қадриятларни ўзида бирлаштиради. Улар миллий ва умуминсоний, турли халқларга тегишли бўлган ва жасият ва инсоният учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маданият, фан, дин, ахлоқ, санъат ва ҳоказолардир. Демак, цивилизациянинг яшовчанлигига қадриятларнинг ҳам унга алоқадор ва боғлиқлиги таъсир этади.

Цивилизациянинг қадриятлар билан боғлиқлигига И.А.Каримов алоҳида эътибор қаратади: “Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий - демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларимизни киритамиз. Бу инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳаказолардир”¹⁰.

Ҳозирги даврда цивилизациялар ва маданиятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланиши, кенгайиб бориши ва уларнинг турли шаклларда намоён бўлиши бу ҳодисани янада долзарб мавзуга айлантирди. Бир томондан, Шарқ цивилизацияси ва иккинчи томондан, Ғарб цивилизацияси дунёда ўз таъсирини кучайтириш мақсадида тинмай турли

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўғасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997. Б.-147.

йўллар билан ҳаракат қилмоқда. Шу сабабли ҳам цивилизацияларнинг динамикаси, ижтимоий тараққиёт, жамиятнинг эволюцион тараққиёти билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар ҳам цивилизация ҳодисасини ўрганишга бўлган қизиқишни янада оширди

Цивилизацияга берилган таърифларнинг айримларига эътиборимизни қаратсак, бу таърифларда цивилизация асосан уни ташкил этувчи турли элементларни бирлаштирувчи бир бутунлик эканлиги назарда тутилади. Бир қатор муаллифларнинг таърифларига кўра, ушбу бутунлик ўз навбатида тизимлилик хусусияти билан ҳам тавсифланади. Масалан, цивилизация ахлоқ, санъат, дин, тил, фан, маданий анъаналарнинг бирлиги эвазига маълум бир бутунликка эришган жамият сифатида таърифланади.

Рус олими Ю.Яковец Цивилизациялар тарихи асарида цивилизация масаласига атрофлича тўхтаб, уни икки хил маънода: дунё цивилизациялари ва локал цивилизациялар маъносида тасаввур этади. Муаллиф дунё цивилизациясини қуйидагича таърифлайди: “Дунё цивилизацияси инсоннинг маълум эҳтиёжлар, қобилиятлар, билим, кўникмалар ва манфаатлар даражаси ва ишлаб чиқаришнинг технологик ва иқтисодий усули, сиёсий ва ижтимоий муносабатлар қурилмаси, маънавий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан тавсифланадиган инсоният тарихининг босқичи; гап асосан ўта узоқ даврга (кўпасрлик) мўлжалланган тарихий цикл ҳақида кетмоқда”.¹¹

Кўриниб турибдики, келтирилган таъриф инсоният тараққиётининг аниқ бир босқичида жамият ва шахсни тавсифлаши мумкин бўлган хусусиятларни ўз ичига олган. Бундан ташқари таърифда жамият ижтимоий ҳаётининг деярли барча соҳалари: иқтисодий, сиёсий, маданий - маънавий, илмий соҳаларининг тараққиёт даражаси жамиятнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари билан боғлиқликда ифода этилади. Албатта, цивилизацияга ривожланиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ушбу таърифда барча соҳаларнинг ривожланиш даражаси ҳисобга олинган ва масалага комплекс

¹¹Яковец Ю. История цивилизаций. М.:Владос, 1997. 41 б.

ёндашилган. “Локал цивилизациялар тақдирлари умумий бўлган, умумтарихий прогресс суръатини баъзан унинг эпицентрида туриб, баъзан ундан йироқлашиб инъикос этувчи ва унга таъсир этувчи алоҳида мамлакат, мамлакатлар гуруҳи ва этносларнинг маданий-тарихий, этник, диний, иқтисодий – географик хусусиятларини ифода этади”.¹²

Цивилизация ўта кенг тушунча бўлиб, у турли-туман маданиятларни ўз ичига олиши, унинг чегараларини ташкил этувчи (шартли маънода, чунки макон жиҳатидан цивилизациянинг аниқ чегарасини белгилаш қийин) улкан ҳудудлар ва халқларни бирлаштирувчи тизимдир. Бу маънода ушбу тушунчанинг ўзи ҳам назарий жиҳатдан қўплаб миллатлар ва халқларни бир тизимга бирлаштиради.

Якка ҳолда олинган бирорта мамлакат ёки миллат тарихига ва маданиятига нисбатан цивилизация тушунчасини қўллаш қийин. Чунки тарихий даврнинг маълум бир босқичида мамлакат ёки миллат мавжуд цивилизацияга тегишли бўлиши, ёки унга яқин туриши, ёки ўзи алоҳида цивилизация сифатида намоён бўлиши мумкин. Кузатишлар шуни кўрсатадики, масалан, “Европа цивилизацияси”, “мусулмон цивилизацияси” га бирлашган миллатлар динидан ташқари деярли барча бошқа соҳаларда бир-биридан фарқ қиладилар. Унинг устига “цивилизация” кўпроқ жамиятнинг тараққиётини англатади. Бу ҳолда турли цивилизация тарихлари давомида ҳар хил даврларни – жамиятнинг гуллаб – яшнаган ёки турғунликка учраган даврларни кузатиш мумкинлиги эътиборга олиниши керак. Бунга Европа мамлакатларининг ёки ислом дини тарқалган мамлакатларнинг уйғониш давригача бўлган ҳолати ва ундан кейинги турғунлик даврларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Цивилизация макон ва замон чегараларининг улканлигини ҳам назарда тутиш лозим.

Ҳар қандай цивилизация қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1.Ижтимоий онг

2.Ижтимоий-сиёсий муносабатлар

¹²Яковец Ю. История цивилизаций. М.:Владос, 1997. 42 б.

3.Иқтисодий ишлаб чиқариш

4.Илмий-технологик ишлаб чиқариш

5.Инсон, оила, халқ.

Ижтимоий онг ўз навбатида ахлоқ, дин, санъат, фан, сиёсат ва ҳуқуқни бирлаштиради. Ижтимоий онгнинг икки хил даражаси мавжуд: ижтимоий психология ва мафкура. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар эса жамиятда ижтимоий гуруҳлар ўртасида пайдо бўладиган сиёсат соҳасидаги алоқалар ва ходисаларни ўз ичига олади. Иқтисодий ишлаб чиқариш моддий нарсаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, бу тизим ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини бирлаштиради. Ишлаб чиқариш кучлари бу энг аввало инсонлар, ишлаб чиқариш воситалари. Ишлаб чиқариш муносабатлари эса маълум моддий бойликни ишлаб чиқариш давомида пайдо бўладиган кишилар ўртасидаги муносабатлар ҳамда кишиларнинг меҳнат қуролларига бўлган муносабатлари.

Илмий – технологик ишлаб чиқариш эса ҳар бир даврда илмий ва технологик тараққиёт соҳасидаги ютуқларни англатади. Цивилизациянинг технологик жиҳати Инсоният тараққиётининг дастлабки даврларида инсон ва ҳайвонлар технологик кучни ташкил этган бўлсалар, аста-секин инсон тараққий этган сари инсон сунъий нарсаларни ярата бошлади. Меҳнат қуроллари, асбоб-ускуналар, турли машиналар, конвейерлар, роботлар ва ҳ.к.лар ярата бошлади. Улар вақт ўтиб борган сари мураккаблашиб борди. Янги технологик тизимлар пайдо бўлди. Улар асосида эса меҳнат тақсимооти янада ривожланди ва кенгая борди. Технологик ва илмий инқилоблар амалга ошди.

Ижтимоий-сиёсий тузилма эса турли ижтимоий муносабатларни: жинслар, болалар ва катталар, катталар ва қариялар ўртасидаги муносабатларни, синфий, диний сиёсий, ҳуқуқий муносабатларни бирлаштиради. Этник ва миллий муносабатлар бир ҳудудда яшовчи турли миллатлар ва элатлар ўртасидаги муносабатларни англатади. Давлат-ҳуқуқ муносабатлари ҳокимиятнинг турли шакллари ва у билан боғлиқ бўлган

турли ҳукукий қонун қоидаларга асосланган муносабатларни ифода этади. Бундан ташқари бу соҳага яна давлатнинг ички муносабатлари ва бошқа давлатлар билан алоқалари ҳам киради. Сиёсий муносабатлар эса алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этувчи партиялар ўртасидаги, сиёсий тузилмалар ўртасидаги ички сиёсий муносабатлар ва ташқи сиёсий муносабатларни фарқлаш лозим.

Албатта, ҳар қандай цивилизация инсон ва жамиятнинг маънавий дунёси билан боғлиқ бўлган жараёнларни ҳам ўз ичига олади. Улар бевосита ахлоқ, дин, санъат, фан, таълим ва маданиятга алоқадор бўлган ҳодисаларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай цивилизациянинг асосида инсон туради. Инсонларни бирлаштирувчи энг кичик жамият – оила ҳам цивилизацияда марказий ўрин эгаллайди. Айнан оилада инсон ҳам биологик, ҳам ижтимоий жиҳатдан шаклланади. Оила ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг кичик макони ҳисобланади. Оилалар бирлашиб жамиятнинг янада каттароқ ижтимоий гуруҳларини ташкил этади.

Жамият тарихи бу энг аввало маданият, цивилизация ва қадриятларнинг ўзаро муносабати ва таъсиридан ажралмаган ҳолда тараққий этади. Бу жараёнда айрим давлатлар ва миллатларнинг маданияти етакчи ролни ижрочиси сифатида, айримлари эса иштирокчи ва бошқалари шунчаки кузатувчи бўлиши мумкин. Қайси миллат ва мамлакатлар қандай ролни ижро этиши бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ.

Цивилизацияларнинг ўзаро муносабати сифатида намоён бўлаётган бундай жараённинг асосий хусусияти шундан иборатки, етакчи ролни ижро этаётган маданият таъсирида бошқа миллатлар ва давлатларнинг маданияти, ижтимоий - маънавий ҳаёти, турмуш тарзи, маълум қадриятларга асосланган дунёқараш тизими ва қадриятлар ориентацияси бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Асрлар давомида жамиятнинг ижтимоий онгини белгилаган, маълум ориентациялар ҳосил қилган, маънавий ва ахлоқий соҳанинг асосини ташкил этувчи қадриятлар тизими тарихий жараёнда янгиланиши жамиятнинг

модернизация таъсирида замонавийлашиб бориши тенденцияси билан боғлиқ.

Биринчи параграф бўйича хулосалар.

Цивилизация умумбашарий фалсафий тушунчалардан бири бўлиб, «маданият», «ижтимоий - иқтисодий формация», «жамият» тушунчаларига яқин бўлса ҳам айнан бир хил маънони ифода этмайди. «Цивилизация» тушунчаси латинча «цивилис» - сўзидан олинган бўлиб, «гражданликка оид», «давлатга оид» сингари маъноларни англатади. Кўп йиллар давомида илмий адабиётларда маданият ва цивилизация бир хил маъноли тушунчалар сифатида талқин этиб келинди.

Маданиятнинг пайдо бўлиши инсониятнинг ёввойиликдан кейинги даври билан боғлиқ бўлса, цивилизация - тарихий жараён, ижтимоий ҳодисадир. Цивилизациянинг ривожланиши жамиятни юксалтиришга олиб келади, натижада бу жамият фуқаролар эркинлигини таъминлаш имкониятини яратади. Цивилизацияли ҳаёт инсонни маданиятли қилади ва унинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароит яратади.

Ҳозирги даврда цивилизациялашганлик кўпроқ шаҳарлашиш, кулайлик, замонавийлик кабиалар билан айнийлаштирилмоқда. Унинг моҳиятини саноат истеъмол воситаларини яратилиши ташкил этмоқда: айни вақтда у жамият ривожланишининг мезони ҳисобланмоқда.

Цивилизацияни шаҳарлашиш маъносида тушуниш айниқса Юнонистон, Рим ва бошқа жойларда кенг тарқалган. Кейинчалик Янги даврга келиб цивилизацияга эришган жамият деганда ақл ва адолатга асосланувчи жамият тушунила бошланди.

Цивилизация объектив ижтимоий ҳодиса бўлиб, одатда бирон бир халқ, минтақа, жамият, давлат ва ҳатто бутун жаҳонга нисбатан қўлланилади:

- цивилизацияга эришган халқ,
- Шарқ цивилизацияси, ғарб цивилизацияси,

- цивилизацияли жамият, цивилизацияли давлат.

Цивилизация бутун бир халқ ёки миллат, тарихий давр ва мамлакат томонидан яратилади.

Маданият - цивилизациянинг муҳим бир элементиدير. Моддий тараққиёт натижасида кишиларнинг фаолият соҳаларида ўзига хос ўхшашликлар ва маълум қулайликлар пайдо бўлади ва улар тўпланиб «цивилизация»ни ташкил этади.

Цивилизация тизими қуйидагиларни бирлаштиради:

- моддий бойликлар;
 - касб-кор, илмий-тадқиқот ўтказиш усуллари;
 - ички тартиб, қоида, низомларни ҳимоялаш усуллари;
 - инсонларнинг турмуш тарзи;
 - озиқ-овқатларни исътемола қилиш сифати, даражалари, меъёрлари;
 - эҳтиёжларни таъминлаш меъёри ва даражалари;
 - саноат, қишлоқ хўжалиги, тақсимот, ривожланиш даражалари;
- кийим-кечак ишлаб чиқариш, кийиниш, орасталик, эстетик дид ва бошқалар.

Фан тараққиёти, унинг амалиётга татбиқ этилиши, таълим-тарбия тизими ва уни амалга ошириш усуллари цивилизация ютуқлари ҳисобланади. Халқлар, давлатлар, минтақалар ривожланишидаги ўзига хос фарқлар цивилизациялараро тафовутларни ташкил этади

Цивилизация - миллатлараро тотувлик, иқтисодий алоқалар бирлиги (хўжалик муносабатлари), табиий-географик шароитлар, маданий ва антропологик томонларни ўз ичига олади. Айниқса, бунда миллий тил ва маданият бениҳоя аҳамиятлидир.

Ҳар қандай цивилизациянинг моҳияти ва мазмуни ана шу тушунча ва белгиларга боғлиқдир. Лекин ҳар қандай цивилизация ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсир асосида шаклланади. Ҳар қандай цивилизация ўзининг шаклланишида бошқа цивилизацияларнинг ютуқлари ва имкониятларидан иложи борича кенг фойдаланади, уларни ўзига сингдиришга ҳаракат қилади.

1.2 И.А. Каримов Шарқ Ренессанс даври тўғрисида

Маълумки, Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан 2014 йил 15-16 май кунлари “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур конференциянинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусида нутқ сўзлади. И.А. Каримов нутқида конференциянинг мақсади ҳақида гапириб, уни Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо бериш сифатида эътироф этди.

Иқтисодий ҳаёт ва савдо-сотиқ ривожини илм-фанга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Боғдод, Марв, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлар маънавий-маданий марказларга айланди. Жаҳонда биринчи марта Боғдодда Байтул-ҳикма - Фанлар академияси ташкил топди ва бу ерда дунёнинг буюк олимлари, файласуфлари, илоҳиётчиларининг ноёб асарлари жамланди (Мазкур даргоҳда хизмат қилган 500 олимнинг аксарияти Марказий Осиёда туғилиб, вояга етганлар эди). Қадимий ва машҳур китобларни, хусусан, юнон олимлари асарларини араб тилига таржима қилиш, шарҳлар ёзиш авж олди. Табиий ва ижтимоий фанларга бўлган қизиқиш бу фанлар ривожига чуқур таъсир этди, фалсафий фикрлар тараққийсига олиб келди.

Марказий Осиё маданияти тарихида Ренессанс-Уйғониш, биринчи навбатда, қарамликдан кутилиш, мустақил тафаккур, мустақил ижод, маънавий юксалиш даври бўлди.

Марказий Осиёдаги илк Уйғониш маданияти бу давр фалсафасининг ўзига хос жиҳатларини ҳам белгилади:

1. Бу давр фалсафасида ислом дини, тасаввуф фалсафаси чуқур из қолдирди.

2. Бу давр фалсафаси ўз негизи асосида ривожланса-да, юнон ва ҳинд фалсафасининг кучли таъсирини унда кўрмаслик мумкин эмас. Марказий Осиёлик ўрта аср файласуфларининг ютуғи шундаки, улар юнон ва ҳинд фалсафасини танқидий ўзлаштирдилар ва янги босқичга кўтардилар.

3. Ўша давр табиатшунослик илмининг ютуқлари фалсафа илмига моҳирона пайванд қилинди. Бу Марказий Осиё фалсафасининг табиий-илмий асосларини мустаҳкамлади.

4. Фалсафий асарлар асосан ўша даврнинг энг етук илмий тили бўлган араб тилида яратилган. Бу унинг ютуғи ҳам эди. У жаҳон жамоатчилиги, илм аҳлига тез ва бевосита етиб борди, кенг ўрганилди.

5. Бу давр фалсафаси Шарқ гуманизми, қадриятлари, ахлоқи, демократиясига асосланди; умуминсоний қадриятлар, ахлоқ, демократияни ривожига муносиб ҳисса қўшди.

6. Бу давр фалсафасида комил инсон муаммоси устувор аҳамият касб этди.

Умуман, Марказий Осиё илк Уйғониш даври маданияти, шу жумладан, фалсафаси жаҳон цивилизациясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олди ва ҳақли равишда уни дунё фалсафий тафаккури ривожига ўзига хос бир босқич деб қаралиши керак.

Маърузачи Ўрта асрларда Шарқда маданият ва маънавият, илм-фан ва бошқа соҳаларнинг тараққиёти тўғрисида тўхталиб қуйидагиларни айтди: “Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва

таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши – буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандлик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги қарвон йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган”¹³.

И.А. Каримов нутқида Шарқ маданияти ва илмий тараққиётига тавсиф берар экан бу жараёнда Марказий Осиё халқлари ҳаётида маданий тараққиёт юксак бўлганлигига қадимги бақтрия, сўғд, ўрхун, хоразм ёзувларида битилган ёдгорликлар, деворий тасвирий санъат асарлари ва ҳайкалчалар, архитектура намуналари мисол бўла олишини айтиб ўтди.

Айтиш зарурки, бу даврда, XI-XIII Хоразм давлати, Форс кўрфазигача бўлган ҳудудлардаги қўшни халқлар ерларини бирлаштирган ҳолда, Осиё китъасининг катта қисмини қамраб олган бўлиб, мазкур ҳудуд ўз даврининг юксак иқтисодий ва сиёсий, маданий ва илмий жиҳатдан тараққий этган эди. Бундан ташқари Марказий Осиё ҳудудидан Хитой билан Европани боғлаган буюк ипак йўлининг ўтганлиги Марказий Осиё маданияти ва умуман Шарқ цивилизациясининг шаклланишида ҳамда унинг Европага таъсир этишида улкан аҳамиятга эга бўлган. И.А. Каримов бу ҳақда қуйидагиларни айтди: “Милодгача бўлган II асрдан милодий XV асрга қадар қадимий халқаро транспорт артерияси вазифасини бажариб, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўртаер денгизи минтақаси каби ҳудуд ва мамлакатларни боғлаб келган Буюк Ипак йўлининг улкан, беқиёс ролини баҳолашнинг ўзи қийин”¹⁴.

13

14

Маълумки, Буюк Ипак йўли Европа ва Хитой ўртасида "... юқорида зикр этилган ҳудудлар ўртасида савдо-сотик алоқаларини, балки қитъалар ва давлатлар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга хизмат қилди, янги технология ва ишланмаларнинг (ипак, чинни буюмлар, порох, қоғоз ва бошқа кўплаб маҳсулотлар) тез тарқалишида, қишлоқ хўжалиги экинлари ва агротехнологияларнинг, шунингдек, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажарди ва шу тариқа цивилизациялараро мулоқот ва технологиялар алмашуви учун шарт-шароитлар яратди”¹⁵.

Буюк Ипак йўли орқали товарларгина эмас, турли мамлакатлар халқлар илмий билим ва ютуқлари билан ўзаро алмашдилар. Улар маданиятларини бойитиб бордилар. Буюк Ипак йўли орқали Европага, Европадан эса Осиёга Шарқ ва Ғарб оламидаги улуғ аллома ва мутафаккирлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар етказилди. Сократ, Платон, Аристотель, Птоломей ва антик даврга мансуб бошқа буюк алломаларнинг илмий асарлари, ғоя ва кашфиётларини ўрганиш учун амалий имконият вужудга келди. Номлари айтиб ўтилган алломаларнинг асарларидан энди Шарқ ва Ғарб халқлари ҳам баҳраманд бўлдилар.

Бу даврда илм-Фан тараққий этиши ва турли тадқиқотларнинг амалга ошиши учун маҳаллий ҳукумат томонидан шароитлар яратилиб берилар эди. Жумладан, ҳукмдорлар ва султонлар томонидан ўз даврининг маърифатпарвар мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирларини кўллаб-қувватлаш анъанага айланиб қолган эди. Улар асосан саройларда ва махсус жойларда яшаганлар ва ижод қилганлар. Уларга мисол тариқасида IX-XI асрларда Хивада ташкил этилган Маъмун академияси ва "Байтулҳикма", яъни "Донишмандлик уйи" деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясини келтириш мумкин. Бу агнъана давом этиб бориб, XV

асрда Самарқандда Мирзо Улуғбек томонидан ташкил этилган илмий мактаб самарали фаолият кўрсатди. Мактабда бир гуруҳ олимлар, Мирзо Улуғбекнинг шогирдлари тадқиқот ишларини олиб бордилар ва бутун дунёга донг таратдилар.

Маълумки, тарихий тараққиёт ўзаро цивилизациялар алоқадорлиги ва бир-бирига таъсири асосида кечади. Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаига айланди. Бу ердаги барча соҳалардаги тараққиёт, аниқроғи юксалиш жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс, яъни Уйғониш жараёнларига улкан ижобий таъсир кўрсатди. Шарқ уйғониш даври – Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий ва маданий тараққиётига улкан таъсир кўрсатган буюк ҳодиса сифатида бутун дунё халқлари томонидан томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Шарқ Уйғониш даври Европа Уйғониш давридан маълум жиҳатлари билан фарқ қилади. Бу ҳақда И.А. Каримов бундай дейди: “Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчилар қайд этганидек, агар Европа Уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзага келган бўлса, Шарқ Уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди”¹⁶.

И.А. Каримов нутқида ўз даврида математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номини алоҳида эътироф этди. Хоразм ўнлаб буюк даҳоларнинг ватанидир. Ана шулардан бири, шубҳасиз, Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийдир (780-850).

Дунё риёзат илмига бебаҳо ҳисса қўшган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий аввал Марвда Маъмун саройида, сўнг ҳалифалик маркази Бағдодда хизмат қилган ва биринчи Академия "Байтул-Ҳикма" ("Донолик уйи")га раҳбарлик қилган. У "Ал-жабр вал-муқобала", "Ҳинд ҳисоби бўйича китоб", "Астрономик зиж", "Ер сурати ҳақида китоб", "Қуёш соатлари ҳақида китоб", "Яҳудийлар эралари ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола", "Тарих китоби" каби асарлар муаллифидир. Хоразмий алгебрани фан сифатида яратди. Алгебра "Ал-жабр" сўзи билан бошланадиган асарнинг лотинча талаффузи бўлса, алгоритм "ал Хоразмий" номининг лотинча аталишидир. Унинг асарлари 11-12 асрлардаёқ лотин тилига таржима қилинган.

Хоразмий мусулмон дунёсида биринчи бор дунёда содир бўлаётган табиий жараёнларни ўрганишга ҳисоб-саноқ методини қўллади. Ҳиндистонда вужудга келган ўнлик тизими у туфайли Европага маълум бўлди. Хоразмий мусулмон Шарқда биринчи бор жуғрофияни асослади. Ернинг аҳоли яшайдиган жойларини кўрсатувчи хариталар тузди, ҳар бир шаҳарнинг жойланиши, координатлари (узунлик ва кенглиги), ҳолатларини кўрсатиб берди. Унинг бизгача етиб келган тўрт харитасида Ерни етти иқлимга бўлиб изоҳлайди. Умуман, IX асрнинг биринчи ярми фанда Хоразмий даври деб аталади.

И. А. Каримов Хоразмийнинг ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини, ноль белгиси ва қутблар координаталарини биринчилардан бўлиб асослаб берганлиги ва амалиётга татбиқ этганлигининг аҳамиятини нақадар муҳимлигини ва бу кашфиёт математика ва астрономия фанлари ривожига кескин бурилиш ясаганлигини бу соҳадаги ўз даврининг оламшумул янгилиги эканлигини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, Ал-Хоразмий математика фани соҳасида улкан фигура ҳисобланади. Унинг буюклиги шундаки, у алгебра фанига асос солди, фанда илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини

ишлаб чиқди. Математика билан бир қаторда Ал-Хоразмий астрономия, география ва иқлим назарияси соҳасида ҳам улкан фаолият кўрсатди. Бу соҳада олим кўплаб илмий асарларлар яратди. Унинг томонидан яратилган асарлар ҳозиргача ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Алломанинг дунё илм-фани ривожига хизматлари умумэътироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари "алгоритм" ва "алгебра" каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди. Айтиш мумкинки, Ал-Хоразмийнинг ижоди ва яратган илмий асарлари дунё аҳамиятига эга бўлган буюк кашфиётлар ҳисобланади.

Жаҳонда буюк деб тан олинган Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғонийдир (ваф.861 й). У ҳам "Байтул ҳикма"да ижод қилган. У давлатимиз раҳбари И.А. Каримов томонидан алоҳида буюк олим сифатида эътироф этилди. Маърузачи нутқида Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган "Астрономия асослари" илмий асари тўғрисида алоҳида тўхталиб, бу фундаментал асарда оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд эканлигини таъкидлади.

Фарғонийнинг 6 та китоби дунёга машҳур: "Астрономия илми усуллари ҳақидаги китоб", "Ал-Фарғоний жадваллари", "Ой Ернинг устида ва остида бўлганда вақтни аниқлаш рисоласи", "Устурлоб билан амал қилиш ҳақидаги китоб", "Етти иқлим ҳисоби", "Устурлобни яшаш ҳақидаги китоб".

Ал-Фарғоний илмий ғоялари геоцентризмдан гелиоцентризмга ўтишда ўзига хос кўприк бўлган. У сайёра ва юлдузлар сфералари радиусларини биринчи марта аниқлаб берди. Экватор билан эклиптика текисликлари, Ой ва Қуёш тутилишларини тадқиқ қилиб, воқеалар оралигини айтиб берди. Ер энг кичик юлдузлардан ҳам кичик, деган фикрни асослади. Ер шари белбоғининг узунлигини ўта аниқ даражада топди: 40 минг 800 км деб (ҳозирда у 40 минг 8 км. дейилади). Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб яратди.

Стереографик проекциялар назариясининг ҳам кашфиётчиси ал-Фарғонийдир. Бу назарияни буюк математик Эйлер XVIII асрда географик карталар тузиш назариясига тадбиқ қилди ва "Русия империясининг бош картаси"ни тузишда ишлатди. Машҳур Данте "Илоҳий комедия"сида ал-Фарғоний ғояларини тараннум этиши, Европада уни Алфраганус деб ҳурматлашлари бежиз эмас. Олимнинг ижоди Европа фан тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бу ҳақда олима Н. Шермухамедова қуйидагиларни ёзади: “Ал-Фарғонийнинг илмий фаолияти Уйғониш даврида Европадаги ижодий интилишларга асос бўлди. Илмий фаолият ҳар доим оламни билинган нарсалардан ҳали билинмаган нарсалар томон ундаган. ... Фарғоний фикрича, энг асосий масала қарашларнинг ҳақиқатлигини исботлашдан иборат”¹⁷.

Аҳмад Фарғонийнинг “Астрономия асослари” асари XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган. Бундан ташқари асар буюк географик кашфиётларнинг амалга ошишида муҳим роль ўйнаган ҳамда Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғоний аниқ фанлар соҳасида улкан ютуқларга эришди. Жумладан, унинг амалий ютуқларидан бири ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиққани ва шунингдек, Нил дарёсида “ниломер” деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди. Ўз даврида Нил дарёсининг аҳамияти иқтисодий жиҳатдан ҳам ва мазкур ҳудудни сув билан таъминлаш борасида ҳам стратегик аҳамиятга эга бўлган.

Марказий Осиёда яшаб илмий ижод қилган яна бир қомусий аллома Абу Райҳон Берунийдир. Унинг илмий даҳоси билан яратилган

¹⁷Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Т., 2005.-Б.65..

мислсиз кашфиётлар кенг соҳаларни қамраб олган. Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлёзмаларининг тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серкирра мерос қолдирганидан далолат беради. Буюк даҳо Абу Райҳон Беруний Хоразм фарзандидир. У 973 йилда туғилган ва 1048 йили Ғазнада вафот этган.

У хоразм, араб, форс, юнон, санскрит (қад. ҳинд тили), яҳудий тилларини пухта ўрганди... 1004 йилнинг бошларида Беруний Маъмун II томонидан Хоразмга чақириб олинди ва 1009-1017 йилларда "Донишмандлар уйи"- "Маъмун академияси"ни бошқарган. Илмий марказда Ибн Сино, Абу Саҳл ал-Масиҳий, Мансур Саолибий, Ибн Ироқ каби ўнлаб даҳолар ижод қилдилар. Академияда Фалес, Пифагор, Эмпедокл, Эвклид, Сократ, Платон, Аристотел, Гален, Гиппократ, Птоломей каби юнон ва Рим олимларининг асарлари аслида ва араб тилидаги таржималари мавжуд эди.

1016 й. "Қуёш ҳаракатини аниқлаш йўли" асарини ёзди.

Ғазна даврида (1017йилдан) Беруний "Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби" ("Ҳиндистон", 1030 й.), "Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг чегараларини аниқлаш" ("Геодезия", 1018-1025), "Ал-Қонун ал-Маъсудий", "Китоб ат-тафҳим" ("Фалакиёт санъати муқаддимасини тушунтириш китоби" 1029-1034), "Ҳикматли минералларни аниқлаш китоби" ("Минералогия", 1048), "Китоб ас-Сайдана" ("Фармокогнозия" - "Медицинада доришунослик", 1048 й.охири) сингари асарларини ёзди.

Беруний дастлабки асарларидаёқ, жумладан, "Ёдгорликлар"ида табиатни изчил тадқиқ қила бошлайди. Беруний биринчи бўлиб Ер юзидаги ҳамма жисмлар Ер марказига тортилишини, Ер қурра эканини ҳамда табиат объектив бўлиб, ўз қонуни бўйича ўзгариб туришини, инсон ҳайвондан фикрлаши билан фарқ қилиши каби фикрларни олға сурган.

Беруний ўзининг "денгизлар назарияси"ни ишлаб чиқиши билан жуғрофия фанида инқилоб қилди. Олим Африка жануб томонидан океан

билан ўралган, деб Птолемей назариясини инкор этди. Аллома дунёда биринчи марта Ернинг сферик жуғрофий тасвирини - Ер глобусини яратди.

Шарқ файласуфлари, шу жумладан Беруний ҳам, инсон ва жамиятнинг мукаммалашуви ғоясига одамларнинг маънавий-ижтимоий ва ахлоқий нуқсонлардан, разилликдан покланиши масаласи сифатида қараганлар. Шу маънода Шарқ файласуфлари кўпинча фалсафани тиббиёт фани билан қиёс қилганлар: тиббиёт инсон вужудидаги касалликларни даволашга хизмат қилса, фалсафа инсон руҳиятидаги, онгидаги касалликларни даволашга хизмат қилмоғи лозим.

Берунийнинг илмий ижоди жуда сермахсул ва серқирра бўлган. Шу сабабли ҳам уни қомусий олим сифатида эътироф этишади. Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги фаразларини айтди. Бундан ташқари у ўзининг “Минералогия” асарида минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди.

Шарқда эстетика фанининг янада тараққий этишида Берунийнинг ҳам муҳим ўрни бор. Унинг асарларида ҳам эстетик қарашлар акс этган. Масалан, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия” ва бошқа асарларида Берунийнинг эстетик қарашлари ифода этган. Беруний учун гармония ва мукаммаллик оламдаги ҳодисалар ва жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигининг асоси ҳисобланади. Айрим табиат ҳодисалари ҳам гармония хусусиятига эга. Гўзаллик инсон ва табиатнинг мукаммаллигини англатидиган сифатдир. Демак, гўзаллик бу мукаммаллик ва улуғворликдир.

И.А. Каримов Берунийнинг илмий ижоди ва ҳаётига юксак баҳо бериб, қуйидагиларни таъкидлади: “Улуғ қомусий аллома Абу Райҳон

Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлёзмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради”¹⁸. Берунийнинг сермахсул ижоди уни XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталишига сабаб бўлгани бежиз эмас.

Юқорида қайд этилган буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодлари нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё тараққиёти, айниқса, Европа Уйғониш даврига катта таъсир кўрсатди. Шарқ Уйғониш даври натижасида тарихга “Темурийлар даври” номи билан кирган иқтисодий ва сиёсий ҳамда маданий ва илмий соҳада юксалиш даври юзага келди. Темурийлар даври XIУ-XУ асрларни ўз ичига олади. Бу даврда миллий давлатчилигимизнинг асослари, илм-фан тараққиётининг улкан натижалари ва умуман, жамиятнинг гуллаб-яшнаган даврини кўрамиз.

Темурийлар даври ҳақида гап кетганда, энг аввало, бу давр фан, маданият, фалсафасининг умумий ва хусусий жиҳатлари тўғрисида сўз юритмоқ жоиз. Умумий жиҳати шундаки, бу давр фан, маданият, фалсафаси ўрта аср (IX-XII) Шарқ маънавий маданиятининг таркибий қисми, бевосита вориси сифатида майдонга келди ва фаолият кўрсатди; Шарқ анъаналарига амал қилди. Хусусий жиҳати шундаки: биринчидан, бу давр фан, маданияти ва фалсафасида ислом дини, калом фалсафаси, нақшбандийлик таъсири аввалги босқичдагига нисбатан кучли, ҳатто белгиловчи аҳамият касб этди;

Иккинчидан, бу давр маънавий маданияти темурийларнинг бевосита раҳнамолигида шаклланди, ривож топди. Темур, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур бу давр моддий ва маънавий ҳаётида ўз шахсий фаолиятлари билан

ўчмас из қолдирдилар, жаҳон маданияти ривожига ўзларининг бевосита ҳиссаларини қўшдилар...

Учинчидан, бу даврда поэзия, тарих каби соҳаларда кучли ўсиш кузатилади;

Тўртинчидан, бу давр ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва жадал ривожланиши даври бўлди. Ўзбек адабий тили шеърят тилидан (Атоий, Саккокий, Лутфий) фан тили даражасига кўтарила бошлади (Навоий, Бобур).

Бизга маълум фалсафий мерос калом фалсафаси, тасаввуф фалсафаси негизида фаолият кўрсатган (Нақшбанд, Хожа Аҳрор, Жомий, Навоий фалсафий қарашлари бунга мисол).

Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган шахслардан бири, шубҳасиз буюк саркарда, жаҳон фани ва маданиятига салмоқли таъсир кўрсатган улуғ "Амири Туркистон" - Амир Темурдир.

Темур (1336-1405) барлос уруғидан бўлиб, Шаҳрисабз яқинидаги Хўжаилғор қишлоғида дунёга келган. Узоқ ва машаққатли жанглардан сўнг 1370 йили Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдорига айланди... У ўзига асосий сиёсий вазифа қилиб Мовароуннахрни бирлаштиришни, қолаверса, ўз ҳукмдорлиги ҳудудларини кенгайтиришни олди. "Қимматли баҳодирлар соясида 27 ўлканинг ҳоқони бўлдим". Темур буюк давлат арбоби сифатида улкан ташкилотчилик қобилиятини феодал муносабатларнинг ривожига, феодаллар мулкини ягона давлатга бирлаштиришга сарфлади. У илмни, санъат, маданиятни кадрлар, бино қурилишини яхши билар эди. Шу сабабли ҳам Темур ўзи забт этган мамлакатларнинг ҳунарманд, фозилларини ўз пойтахти Самарқандга тўплади. Бизгача етиб келган иншоотлар Шоҳи Зинда гуруҳидаги мақбара, Бибихоним масжиди, Шаҳрисабздаги Оқсарой равоқлари, Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси кабилар ўша давр меъморчилигининг ноёб ёдгорликларидир.

Темурнинг илмий-сиёсий дунёқараш кенг бўлиб, бундай дунёқараш унинг турли ҳудудларда маҳаллий шароитдан келиб чиқиб ҳатти-ҳаракат қилишига катта ёрдам берган, деб айтиш мумкин. Темур давлат бошлиғи

сифатида руҳонийлар билан яқин муносабатда эди. У ўзи олиб бораётган жангу жадалларни ислом номидан амалга оширар эди. Бироқ, у сиёсий мақсадни эътиқоддан устун қўярди. Масалан, у Сурияда Али мазҳаби ва унинг авлодларини ҳимоя қилган бўлса, Хуросонда суннийларни қўллаб-қувватлади.

Темур дунёқарашини аниқлашда муҳим тарихий ҳужжат бўлган "Темур тузуклари" подшоларнинг туриш-турмушини ва ахлоқ-одоб нормаларини белгиловчи рисоладир. Темур асарда ўз тажрибасидан ўтказган воқеа-ҳодисалар ҳақида гапираётганини кўп таъкидлайди.

Темур салтанат ишларида 1) кенгаш, 2) машварату маслаҳат, 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик, 4) эҳтиёткорликка амал қилган.

Амир Темурнинг ўғилларига қилган васиятида ҳам чуқур фалсафий маъно ётади: "...Миллатнинг дардларига дармон бўлмак вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва яхшилик қилмоқ дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин..."

Темурийлар даврида Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолияти алоҳида таҳсинга сазовор. Темур вафотидан сўнг буюк империя парчалана бошлади. Улуғбек номи билан шуҳрат қозонган Муҳаммад Тарағай (1394-1449) 40 йил давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонга ҳукмдорлик қилди. У бошқа темурийзодалардан фарқлироқ янги вилоятларни қўлга киритишга, давлатни кенгайтиришга эмас, балки ободончиликка, илм-фанга кўп эътибор берди.

Самарқанд мадрасаси йирик илмий марказга айланди. Бу ерда Улуғбек машҳур олимлар Муҳаммад Ҳавофий ва Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид ва Абдуали Биржандий, Мансур Коший ва Мирам Чалабийлар билан мунтазам илмий ишлар олиб борди.

Улуғбек расадхонаси ўз даврининг энг мукаммал ва замонавий иншоотлардан бири бўлиб жаҳон астрономия фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Бу марказда 1018 юлдузнинг ҳолат ва ҳаракати ўрганилган, сайёралар оламининг сирлари аниқланган.

Улуғбек асарларининг марказида "Зижи жадиди Кўрагоний" номи билан машхур бўлган астрономик жадвал туради. Мазкур асар кириш ва тўрт бобдан иборат бўлиб, 1-бобда хитойлар, ҳиндлар, юнонлар, эронийлар календарлари ҳақида, 2-бобда амалий астрономия, 3-бобда сайёралар назарияси ва 4-бобда астрономия ҳақида фикр юритилади. Улуғбек сайёралар оламини ўрганишда ўзидан аввалги энг йирик астрономларни ҳам анча ортида қолдирган (Эротосфен, Гиппарх, Птолемей, ал-Баттоний, Ибн Юнус, Носириддин Тусий ва бошқалар) ва ҳақли равишда жаҳоннинг буюк астрономлари қаторидан ўрин олган. Улуғбек Бухоро мадрасасининг дарвозаси пештоқига арабча: "Илмга интилиш бутун мусулмон эркак ва аёлларига фарздир" сўзларини ўйдириб ёздирган.

Темурийлар даврида Самарқанд, Ҳирот, Андижон, Балх, Бухоро, Кеш каби катта шаҳарлар йирик маданий марказга айланди. Халқ меъморчилиги, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, бошқа ўлкалар билан иқтисодий-маданий алоқалар кучайди...

XIV-XVI асрларда тиббий ва гуманитар фанлар соҳасида буюк олимлар фаолият кўрсатиб, жаҳон фани тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Темурийлар даврида фалсафа ва мантиқ илми ривожига кўп жиҳатдан Ат-Тахтоний (1290-1365), унинг шогирди Ибн Муборакшод (1310-1375) ва Самарқандда яшаган икки издоши-Тафтазоний (1322-1390), Али ибн Муҳаммад ал-Журжонийлар номи билан боғлиқ.

Самарқандда 20 йил фаолият кўрсатган Журжоний асарларининг умумий сони 50 дан ортиқ бўлиб, булар ичида салмоқли ҳиссани фалсафа, мантиқ ва табиатшуносликка доир асарлар ташкил этади.

Журжоний билиш назарияси ва мантиқка доир "Ат-таърифот" ("Таърифлар"), "Усули мантиқийа" ("Мантиқ усули"), "Суғро" ("Кичик далил бўла оладиган ҳукм"), "Қубро" ("Катта далил бўла оладиган ҳукм"), "Авсат дар мантиқ" ("Мантиқда ўрта хулоса") каби форс тилидаги асарлар муаллифидир.

Журжоний уқтиришича, табиатдаги ҳеч бир ҳодиса сабабсиз келиб чиқмайди. Ҳамма мавжуд нарсалар ўз сабабларига эга, сабаблар ўз навбатида оқибатларга эга. У макон ва замоннинг объектив мавжудлигини тан олади. Моддий ашёлардаги бутун ҳаракат ва ўзгаришлар фақат макон ва замондагина рўй беради, дейди.

Журжоний таъкидича, назарий билимлар ҳаётий тажрибада ҳосил қилинган бошланғич билимлар ва улар тўғрисида фикрлаш йўли билан қўлга киритилади. Бундай фикрлаш жараёнини у хулоса деб атайти.

Бу давр бадиий адабиёти, айниқса ўзбек классик адабиёти ўзининг энг юксак нуқтасига кўтарилди. Бунда Қутб, Хоразмий, Сайфи Саройи, Дурбек, Амирий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ каби ўнлаб шеърят юлдузларининг хизматлари беқиёсдир. Жаҳон фани ва маданияти тарихининг ёрқин даҳоларидан бири, шубҳасиз, Алишер Навоийдир (1441-1501). Навоий улўф гуманист, донишманд файласуф, давлат арбоби, ўзбек адабий тилининг асосчиси, ўзбек мумтоз адабиётини янги тараққиёт босқичига кўтарган буюк сўз санъаткоридир.

И.А. Каримов Улуғбекнинг фаолиятини юксак баҳолаб, куйидагиларни айтади: “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бутун бир авлоди ҳақида сўз юритар эканмиз, Амир Темур ва Темурийлар даври деб ном олган давр ҳақида, номи илм-маърифат осмонида бамисоли ёрқин юлдуз бўлиб порлаб келаётган Мирзо Улуғбек ва унинг Қозизода Румий, Али Қушчи сингари кўплаб сафдошлари ва шогирдлари хусусида эсламасдан ўтолмаймиз. Барчамизга яхши маълумки, Амир Темурнинг набираси бўлган, 40 йил Самарқандда ҳукмдорлик қилган Мирзо Улуғбек астрономия соҳасидаги буюк аллома сифатида шуҳрат қозонган ва унинг номи ҳақли равишда Коперник, Жордано Бруно, Галилей ва бошқа улўф илм-фан даҳолари қаторида тилга олинади”¹⁹.

Бутун дунёга Мирзо Улуғбекнинг XV асрда тузган астрономия жадвалида 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинганлиги маълум. Аллома ўз даврининг энг замонавий обсерваториясини яратди. Бу асар астрономик ўлчовлар бўйича 16 аср давомида яратилган биринчи янги каталог эди. Мирзо Улуғбекнинг сафдоши Ал-Коший биринчи бўлиб ўнлик касрларни илмий истёмолга жорий этди, эркин даражалар илдизларининг изчил яқинлашиб бориши ва уларни топиш методларини ишлаб чиқди.

Президентимиз И.А. Каримов номлари юқорида келтирилган буюк алломалар қатори яна бир қатор олимларнинг номларини эътироф этади ва уларнинг жаҳон аҳамиятига эга бўлган бебаҳо бойлик эканлигини таъкидлайди: “Абу Абдуллоҳ Рўдакий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб буюк файласуфлар, шоир ва маърифатпарварларнинг ижодий меросида донишмандлик ва борлиқ олами гуманистик англашнинг жуда улкан, битмас-туганмас хазинаси сақланиб келмоқда. Бу мерос ҳақиқатан ҳам жаҳон аҳамиятига молик бебаҳо бойлик ҳисобланади”²⁰.

3. Ибн Сино ва Форобийнинг илмий фаолияти ва унинг жаҳон цивилизациясидаги роли

Ватанимиз ҳудудида туғилган ва қомусий олим сифатида улкан шуҳрат қозонган, айниқса тиббиёт илмига улкан ҳисса қўшган буюк аломалардан яна бири Абу Али Ибн Синодир. Ибн Синони мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов қуйидагича таърифлайди: ““Ислом оламининг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири” деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотади. Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуғ зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти аввало тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, муסיқа, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон ва бошқа кўплаб олимлар авлоди унинг асарларини ўқиб, ҳайратга тушганлар”²¹.

Замондошлари томонидан "Шайх-ур-раис" (яъни олимлар бошлиғи) деб аталган Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ал-Хасан ибн Али Ибн Сино 980 йил август ойининг охирларида Бухорога яқин Афшона қишлоғида дунёга келди. Ва 1037 й. 57 ёшида Ҳамадонда вафот этди.

Ёзма манбаларда унинг 280 дан ортиқ асар ёзганлиги таъкидланади (бизгача эса унинг 160 та асари етиб келган). Булардан 150ги фалсафий масалаларга, 50 тиббиётга, 48 таси бошқа табиатшунослик фанларига бағишланган. У бадий асарлар ҳам ёзган.

Ибн Сино асарлари орасида "Ал-Қонун фи-т-тиб" ("Тиб қонунлари") капитал асари (5 томлик) тиббиёт илмининг қомуси бўлиб, ўрта аср тиббиёт илми тараққиётининг олий чўққиси ҳисобланади. Осиё ва Европанинг барча ўқув муассасаларида 500 йил мобайнида тиббиёт курси шу асар асосида ўқитилган. "Биз доим ғурур ва ифтихор билан эътироф этамизки, тиббиёт тарихида энг машҳур бўлган, "Тиб қонунлари" деб аталган ўзининг бебаҳо фундаментал асари билан Ибн Сино кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берди, ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солди. Бежиз эмаски, бу китоб Европада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири бўлган ва Европанинг етакчи университетларида қарийб 500 йил давомида тиббиёт илми айна шу асар асосида ўқитиб келинган"²².

Абу Али Ибн Синонинг фалсафий ва табиий-илмий қарашлари унинг жаҳонга машҳур асари "Китоб аш-Шифо" ("Даволаш китоби")да баён қилинган. Бу асар 18 томдан иборат бўлиб, 4 қисмга -мантиқ, табиий фанлар, математика (риёзиёт) ва фалсафага бўлинади. Бу асарда фалсафа, математика, химия, ботаника, зоология, геология, астрономия, психология каби фанлар ҳақидаги фикрлари баён этилган. Бу асар Ғарб ва Шарқ фалсафий тафаккури тараққиётига жуда катта таъсир ўтказган.

Ибн Сино фалсафий қарашларининг шаклланишида аристотелизм муҳим роль ўйнаган, бироқ у Аристотел таълимотининг оддий тарғиботчиси бўлиб қолмади. Бу ҳақда Ибн Сино мана нима дейди: "Биз уни (Аристотелни) олдинги перипатетиклар ичида энг буюк олим деб ҳисоблаймиз, чунки у ўз дўстлари ва ўқитувчилари билмаган кашфиётларни қилди, фанларни классификация қилди, жуда яхши системага солди, кўп муаммоларни тўғри ҳал этиб, уни ўз халқига хабар қилди...Ақл-заковатга мурожаат этиб, Аристотелнинг хатоларини тузатиш лозим эди. Аммо унинг издошлари бу ишни қилмадилар... Биз эса, улар хоҳлаган, аммо бажара олмаган ишларни бажардик, унинг таълимотининг айрим томонларини тўлдирдик".

Ўтмиш фалсафий меросига ижодий ёндошган Ибн Сино ўз фалсафий системасини яратди.

Ибн Сино нуқтаи назарича, фалсафа ҳамма фанларнинг йиғиндисидир, яъни ҳамма мавжудот тўғрисидаги фандир. Ҳамма мавжудот, унингча, ғоявий, жисмоний ва ақлий қисмларга бўлинади. Фалсафанинг асосий вазифаси-ҳақиқатни, ҳамма ижобий нарсаларни билишдан иборат. Ўзининг "Рисолат-фи-л-аҳд" номли асарида фан ва фалсафага таъриф беради. Унинг фикрича, фан-буюмлар тўғрисидаги инсоний ақл воситаси билан қўлга киритилган беҳато билимлардан иборат. Фалсафа эса буюмлар тўғрисидаги ишончли асослар ва ҳақиқий далиллар билан исбот қилинган билимлардан иборатдир.

Демак, Ибн Сино фикрича, фан буюмлар моҳияти тўғрисидаги аниқ ва тўғри билимлардан, фалсафа эса буюмлар моҳияти тўғрисидаги аниқ ва тўғри далиллар билан исбот этилган билимлардан иборат.

Ибн Сино "Аксом-улум ал-ақлия" номли асарида фалсафани иккига бўлади:

- 1) назарий фалсафа ёки биринчи фан;
- 2) амалий фалсафа.

Назарий фалсафанинг вазифаси шундай нарсаларни билишки, уларни биз билишимиз шарт, лекин бу билим тажрибадан ажралган (априор)

характерга эга, ҳаётда амалий аҳамиятга эга эмас. Амалий фалсафанинг вазифаси бизнинг амалий ишимиз билан боғлиқ буюм ва ҳодисаларни ўрганишдан иборат.

Ибн Сино икки субстанцияни-моддий ва ғоявий субстанцияни борлиқнинг ибтидоси деб тушунади...

Унингча, оламда барча мавжуд нарсалар иккига бўлинади-зарурий вужуд ва имконий вужуд. Булар муносабати сабаб ва оқибат муносабатидир. Бу жараёнда оламдаги ҳамма нарсалар эманация тарзида (яъни қуёшдан чиқаётган нур шаклида) аста-секинлик билан амалга ошади, намоён бўлади. Шу тартибда, имконият шаклида мавжуд бўлган ақл,жон,жисм ва шулар билан боғлиқ ҳолда осмон сфералари келиб чиқади, мавжуд нарсаларга айланади. Булар ҳаммаси субстанция (жавҳар)дир. Бундан ташқари, борлиқда акциденция-нарсаларнинг хусусиятлари, ранги, ҳажми, ҳидлар мавжуд. Жисм шакл ва моддадан ташкил топади.

Материя ва шакл муносабатида Аристотел шаклни материядан устун қўйган бўлса, Ибн Сино шаклнинг материяга боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлайди: "Жисмоний шакл материяга боғлиқ, бу шакл ва бу материядан жисм ташкил топади. Демак, материясиз ва ундан мустақил равишда жисмоний шакл йўқ".

Ибн Сино фикрича, материянинг энг содда, бўлақларга бўлинмайдиган шакли тўрт унсур: ҳаво, олов, сув ва тупроқдан иборат. Уларнинг ўзаро бирикуви натижасида мураккаб моддий нарсалар ташкил топади. Мураккаб нарсалар ўзгариб, турли шаклларга эга бўлиши мумкин, аммо уларнинг моддий асоси бўлган тўрт элемент йўқолмайди, абадий сақланади.

Ибн Сино уқтиришича, ҳаракат-буюмнинг ўзгариши, бир ҳолдан бошқа ҳолга ўтишидир.

Сукунат (тинчлик)нинг объектив характери эътироф этган мутафаккирнинг уқтиришича, у ҳаракатнинг қарама-қаршисидир.

Ибн Сино тинчликни табиий ва мажбурийга бўлади.

Ибн Сино айтишича, инсон билимлари реал объектив нарсаларни билиш ёрдамида вужудга келади. Билиш ҳиссий билиш ва тушунчалар ёрдамида фикрлашдан ташкил топади. Сезгида нарса-ҳодисаларнинг айрим, ташқи белгилари, конкрет томонлари билинса, ақл уларнинг моҳиятини, ички томонларини абстракциялаштириш ва умумлаштириш ёрдамида била олади.

Сабаб турларини Ибн Сино 4 турга бўлади: моддий, фаол, шаклий ва тугалловчи сабаблар (ёки маълум бир мақсадни ифодаловчи сабаб).

Ибн Сино биринчилардан бўлиб табиий муҳит ва инсон ҳаёти ўзаро муносабатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш заруратини фаҳмлайди...

Ибн Сино ҳақиқий инсоний фазилатларга ва адолатли идеал жамиятга шу мавжуд дунёда эришув мумкин, дейди. Унингча, жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши керак. Жамият аъзоларининг ҳаммаси бу қонунга итоат этиши, қонунни бузиш ва адолатсизлик жазоланиши лозим.

Сино одамнинг яшаши учун энг зарур шароит ижтимоий муносабатлар эканини уқтиради. У "Одам ижтимоий жондир", деган фикрни олға суради.

Ибн Синонинг нафақат тиббиёт соҳасида ва фалсафа соҳасидаги қарашлари, балки эстетика соҳасидаги қарашлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг ахлоқ тўғрисидаги таълимоти билан боғлиқ. “Даволаш ҳақида китоб” асарида олим мусиқанинг даволаш хусусияти, санъатнинг инсон соғлиғи ва тарбиясига таъсир тўғрисида ёзади. Унинг фикрича шеърият инсоннинг гўзал сифатларини шакллантиришга ёрдам беради. Шеърият бу тасаввурга таъсир этадиган нутқдир. Гўзаллик бу мукамалликдир. Инсоннинг ички гўзаллигини ва эзгуликка интилишини ифода этадиган билим мукамалликнинг асосидир.

Ибн Сино мусиқа ҳақида 5 та асар ёзган бўлиб, улардан “Донишнома” ва “Мусиқий билимлар тўғрисида тўплам” асарларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу асарларда Ибн Сино мусиқанинг аҳамияти, оҳанглар ҳаракати ва мусиқа асбоблари ҳақида ёзади. “Мусиқий билимлар тўғрисида тўплам” асарида Ибн Сино мусиқа ва унинг оҳангларини сезги органларига таъсири

тўғрисида, ёқимли ва ёқимсиз мусиқалар, товушлар таъсири остида лаззатланиш ёки нафрат туйғусининг пайдо бўлиши ҳақида ёзади. Унинг фикрича бундай товушлар инсон ҳаёти учун зарур ва муҳимдир.

Демак, илк уйғониш даври мутафаккирлари фалсафий қарашлари жаҳон фалсафий меросига қўшилган буюк ҳисса бўлиши билан бирга ҳозирги кунимизда ҳам турли фалсафий оқимларнинг баҳс – мунозаралари объекти бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақиллигимиз даврида маънавий кадриятларимизни бойитмоқда.

И.А. Каримовнинг айтишича, Ибн Сино ва Берунийнинг бизгача етиб келган Аристотелнинг “Қоинот ҳақида китоб” асарига тааллуқли ёзишмалари буюк алломаларимизнинг илмий мулоқот олиб борганлидан, антик давр фалсафий қарашларига қизиққанлари ва уларни чуқур англаш ва уларни ривожлантириш борасида нақадар юксак даражага кўтарилганлигидан далолат беради.

Х-ХІ асрларда Хоразм заминида ижод қилган Беруний, Ибн Сино ва бошқа буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг хизматлари уларнинг илмий ишлари ва асарлари доираси билангина чегараланиб қолмайди, балки инсониятнинг интеллектуал тарихида чуқур из қолдирган илмий мактаб – Хоразм Маъмун академиясини шакллантиришдек муҳим масалани ҳам қамраб олади.

Ибн Сино каби Шарқ Уйғониш даврининг яна бир буюк намоёндаси Абу Наср Форобийдир. Форобийнинг фалсафий системаси Аристотелнинг универсал системаси сингари замонасининг барча муҳим муаммоларини ўз ичига қамраб олади. Форобийнинг асарларида фалсафанинг энг умумий тузуклари-оламнинг тузилиши, мавжудлик йўллари, билиш, мантиқ масалалари, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабати,

шунингдек, айрим аниқ фанларнинг фалсафий масалалари, ижтимоий-ахлоқий масалалар ўз ифодасини топган.

Форобийнинг илмий ижодига ва ҳаётига И.А. Каримов қуйидагича баҳо беради: “X асрнинг қомусий алломаси Абу Наср Форобийни замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, “Шарқ Аристотели” деб атаганлар. У кўплаб фанларни илмий кашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантирди ва 160 дан ортиқ асар ёзди. Улардан энг машҳурлари “Моҳият хусусида сўз”, “Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб”, “Тафаккур моҳияти” ва бошқа асарлар ҳисобланади. Форобий асарларининг асосий қисми кўплаб Европа ва шарқ тилларига таржима қилинган ва ҳозирги кунга қадар чуқур тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда”²³.

Форобийнинг яратган асарлари турли-туман бўлиб, улар жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Булардан: "Ихсо-ал-улум", "Аристотел мантиқига талқинлар", "Ҳикмат асослари", "Катта мусиқа китоби", "Фуқаролик сиёсати", "Фозил шаҳар аҳолиларининг райлари", "Мантиққа кириш", "Қонунлар китоби", "Субстанция ҳақида сўз" каби асарларни кўрсатиш мумкин.

Форобий яратган асарларини икки гуруҳга ажратиш лозим: а) антик юнон файласуфлари ва табиатшунос олимлари (Аристотел, Платон, Эвклид, Гален, Зенон ва б.)нинг илмий меросларини шарҳлаш ва тарғиб қилишга бағишланган рисоалар; б) ўша давр фанининг табиий ва ижтимоий-фалсафий фикри соҳаларига, унинг долзарб масалаларини ишлаб чиқишга, табиатшунослик, мусиқашунослик, филология, жамиятшуносликнинг муҳим соҳаларига бағишланган асарлардир.

Форобийдан бир асрдан кўпроқ кейин яшаган буюк даҳо Ибн Синонинг эътирофича, у Аристотелнинг "Метафизика"сини 40 марта ўқиган, ёдлаган ҳам, бироқ бу асарнинг маъносини, мақсадини тушуна олмаган ҳамда уни бир бурчакка итқитиб қўйган. Иттифоқо бир куни Форобийнинг

"Метафизика" асарига ёзилган шарҳлари китобини сотиб олиб, ўқигандан кейингина Аристотелнинг бу асари мақсадини ўқиб олган.

Фаробий дунёқарашининг асосини, яъни дунёнинг тузилиши ҳақидаги тушунчасини пантеизм ташкил қилади. Мавжудот эманация йўли билан ягона бошланғичдан босқичма-босқич вужудга келган, яқкаликдан кўпликка, бир хилликдан ранг-барангликка борган. Фаробий фикрича, борлик (мавжудот) олти босқичдан иборат бўлиб, бу босқичлар бутун мавжуд нарсаларнинг асосидир, улар ўзаро сабаб ва оқибат муносабатлари тарзида узвий боғлангандир. Биринчи босқич-биринчи сабаб (ас-сабаб ал-аввал, яъни Оллоҳ), иккинчи босқич-осмоний жисмлар (ас-сабаб ас-сони), учинчиси-фаол ақл (ал-ақл ал-фаол), тўртинчиси-жон (ан-нафс), бешинчиси-шакл (ас-сурат), олтинчиси-материя (ал-модда). Шундай қилиб, илоҳиёт ва борлик бир бутунликни ташкил қилади.

Вужуд икки турлидир: "зарурий вужуд" , яъни ўз-ўзича бор нарсалар, "вужуди мумкин", яъни бошқа нарсалар туфайли вужудга келадиган нарсалар. Бундан келиб чиқадики, итнсонни ўраб турган объектив оламдаги барча нарсалар ўзаро алоқада ва боғлиқликда бўлиб, улар орасида табиатдан келиб чиққан нарсалар в аҳодисалар ҳамда уларнинг ўзаро муносабати натижасида пайдо бўлган нарсалар ҳам мавжуддир.

Фаробий талқинида модда кўплаб белги ва хусусиятларга, яъни у сифат, миқдор, субстанция (жавҳар), акциденция (ораз), имконият, воқелик, зарурият, тасодиф, сон, макон, вақт кабиларга эга. Оллоҳ эса массага ҳам, таърифга ҳам эга бўлмаган зарурий вужуд, мутлакдир.

Фаробий таълимотида, Ер ва самовий унсурлар жисм, яъни моддийлик хоссасига эга. Барча нарсаларни у олти турга бўлади: осмон жисмлари, ақлли вужуд (одам), ақлсиз ҳайвонлар, ўсимликлар, минераллар ҳамда тўрт унсур-олов, ҳаво, тупроқ ва сув. Тўрт унсур ҳамма жисмларнинг асоси бўлиб, материянинг энг оддий (соdda) турларидир, жисмларнинг қолган беш тури ана шу бирламчи унсурларнинг қўшилиши натижасида вужудга келган.

Форобий билиш масалаларини. таҳлил қилар экан, шундай ёзади: "... сезилувчи нарса сезгиларга қадар мавжуд бўлгани каби билинувчи нарса ҳам билимга қадар мавжуддир". Унингча, одам ўз билимларини ташқаридан, атрофдаги ҳодисаларни билиш жараёнида олади. Билиш жараёни ўз ичига кўп восита ва усулларни: сезги, идрок, хотира, тасаввур, мантиқий фикр, ақл ва нуқтаи назарни олади. Форобий билиш билмасликдан билишга, сабабиятни билишдан оқибатни билишга, ҳодисадан моҳиятга қараб боришини уқтиради.

У ҳиссий ва ақлий билишни фарқлайди. Сезгиларни сезги аъзолари вазифаларига мувофиқ бешга бўлади. Сезгини дастлабки билимнинг манбаи деб билади. Буюмнинг инъикоси ўша буюмнинг ўзига мувофиқ бўлса, сезги ҳақиқий бўлади. Форобий жоннинг кўчиб юриши мумкинлигини инкор этади ва бу масалада Платонни танқид қилади.

Маълумки, гносеологияда ҳам деярли юқорида айтилган фикрлар таъкидланади. Унда билишнинг икки йўналиши ҳиссий ва ақлий босқичлари айтилади. Демак, Форобийнинг билиш соҳасидаги қарашлари ҳозирги замон фалсафасининг гносеологиясида айтиладиган фикрларга яқин.

Форобий мантиқ масалаларига катта эътибор беради ва шу сабабга кўра ҳам уни "Мантиқий" ҳам дейишган. Зеро олим мантиқда илмий билиш усулини кўради; тушунча, ҳукм, ҳулоса, исботлаш кабилар соҳасида ўзининг салмоқли янги фикрларини олға суради.

Форобий илмлар таснифи масаласига ҳам катта эътибор беради. У илмларни амалий (касб, ҳунар) ва назарий (фан) қисмга бўлади. Илмларнинг манбаи-бу вужуддир, унинг хилма-хил хусусиятлари ва сифатларидир. Назарий билимлар доирасида фалсафа асосий ўринни эгаллайди. Форобий фикрича, фалсафа борлиқнинг моҳияти ҳақида, бутун мавжуд нарсаларнинг мазмуни ҳақида мукаммал ва тўлиқ билим берадиган фан. Фалсафанинг ўз қонун ва қоидалари бор. Форобий ҳам фалсафани "фанлар фани" сифатида талқин этади.

Фаробийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, инсон жамоаси ҳақидаги таълимоти серқирра ва кенг қамровлидир. Унинг ўз мақсадлари, йўллари, услублари, қатор масалалари, муаммолари, нуқталари бор. Бу қараш давлат, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат, иқтисодий ва маънавий ҳаёт, раҳбарлик, интизом, тартиб каби мавзуларни қамраган.

Фаробий фозил шаҳар-давлатни кишининг соғлом организмига ўхшатади. Инсон тананинг саломатлигини сақлаш, унинг нормал фаолиятини давом эттириш учун унинг аъзолари доимо бир-бирларига боғлиқ ҳолда ўзаро ёрдам бериб туради.

Фозил шаҳарда ҳам худди шундай: унинг аъзолари ўзларининг турли касб-ҳунарлари, билимлари, иш фаолиятлари билан бир-бирларининг эҳтиёжларини қондириб, ўзаро ёрдам бериб турадилар.

Фаробий давлатни бошқаришнинг 3 усулини кўрсатади: якка шахс ҳокимияти, кишиларнинг катта бўлмаган гуруҳи ҳокимияти ҳамда давлатни халқ томонидан сайлаб қўйилган етук шахслар томонидан бошқарилиши.

Фаробий динга, Куръонга ниҳоятда катта ҳурмат ва ишонч билан қаради. Уни ахлоқ-одобнинг асоси деб билди.

Фаробийнинг фикрича, юксак ахлоқли шахс бу доимий маънавий юксакликка интилувчи шахс бўлиб, у доимо ўзини ва Худони англашга интилади. Худони англаш унинг яратган нарсаларини англашдан бошланади. Инсоннинг табиат, жамият ва тафаккур тўғрисидаги билимлари уни Худони англаб етишга олиб боради. Фаробийнинг ахлоқий қарашлари унинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида яхши акс этган.

Фаробийнинг қарашларига кўра инсон руҳи ўлмайди, ўхшаш руҳлар бирлашадилар. Уларнинг моҳияти, мақсади ва потенциали бир-бирига яқин бўлгани учун ҳам ана шу ўхшашлик асосида бирлашадилар. Шу йўл билан улар бахтга ва саодатга эришадилар. Бу эса уларга эзгуликни яратишга ва бу йўлда интилишга имкон беради. Ўхшаш руҳларнинг бирлашуви асосида уларнинг руҳий кучи (потенциали) ва яратувчилик қобилияти ўсади.

Уларнинг ахлоқи янада такомиллашади. Улар тўплаган қадриятлар авлоддан – авлодга ўтиб боради.

Фаробийнинг илмий асарларидан ташқари эстетика соҳасида яратилган ўнлаб асарлари ҳам маълум. Унинг бир қатор “Риторика ҳақида китоб”, “Луғатлар ҳақида китоб”, Мусиқа ҳақида катта китоб”, “Мусиқа ҳақида сўз”, “Оҳангларнинг мос келиши ҳақида” ва бошқа асарларида эстетик қарашлари ифода этган. Бу асарларда Фаробий эстетиканинг назариясини яратган. Фаробий “Бахтга эришув ҳақида” асарида гўзалликни англаш учун инсон нозик қалб ва гармоник ақлга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Реал борлиқни англаш учун эса инсон сезги ва интеллектга эга бўлиши зарур. Инсон ақлга эгалиги сабабли ҳам ҳақиқий инсонга айланади, билим инсонга бахт ва қувонч келтиради, инсон билиш орқали гўзалликни ва мукаммалликни англайди.

Шарқ Ренессанс даврининг энг илғор намоёндаси Фаробийнинг эстетик қарашлари бу фан тараққиётига катта ҳисса қўшди. Фаробий “Мусиқа ҳақида рисола” асарида мусиқа олами энг гўзал олам, инсон борлиғини мусиқасиз тасаввур қилиб бўлмайди, деб ёзади. Шу билан бирга у мусиқанинг тарбиявий аҳамиятини таъкидлайди. Унинг фикрича, инсоннинг етук шахс бўлиб етишишида мусиқа муҳим аҳамиятга эга.

Инсоннинг қобилияти туғма ва орттирилган (ўзлаштирилган) бўлиши мумкин. Инсоннинг туғма қобилиятига биологик, жисмоний ва айрим психологик хусусиятлари киради. Уларни такомиллаштириш учун инсонга билиш, касб, ахлоқий ва санъат қонунларини ўзлаштириш ва уларни амалиётда қўллай билиш зарур. Фаробийнинг фикрича, инсоннинг ўзини тарбия қилиши ва эстетик ривожланишида мусиқа санъати катта рол ўйнайди. Санъатнинг турлари фарқ қилади. Санъат инсонга турли усуллар билан таъсир қилади. Масалан, адабиёт ва шеърият сўз ёрдамида, рассом ранг тасвирлар орқали инсоннинг сезгилари ва тасаввурларига таъсир кўрсатади. Мусиқанинг инсонга таъсири чексиз: у инсон ахлоқини тартиб солади ва мукаммал қилади, танасини касалликлардан даволайди.

“Муסיқа ақида катта китоб” асарида Фаробийнинг муסיқаннинг хақиқий назарийетчиси эканлиги кўринади. У муסיқаннинг амалий ва назарий томонлари, муסיқаннинг тузилиши (структураси) ва қонуниятлари хақида ёзади. Фаробий товуш пайдо бўлишининг ва муסיқа оҳангларининг математик тамойиллари назариясини яратган. У шарқона муסיқа оҳанглари ва зарбини тавсифлаб беради. Бундан ташқари бу асарида Фаробий Шарқ муסיқа асбобларининг ўзига хос хусусиятларини баён қилган.

Фаробий “Бахтга эришув хақида” асарида санъатнинг инсонни эстетик тарбиясидаги роли хақида ёзади. Унинг учун инсон сифатлари гўзал инсон ва унинг буюмларининг сифатида акс этади. Фаробийнинг “Шеърят санъати хақида китоб” асарида бадиий фаолият тўғрисида ёзиб, уни ўзига хос тақлид қилиш шакли, деб атайди. Тақлид инсоннинг тасаввурига таъсир қилиш усулидир. Санъат сезги ва ақл ўртаисда жойлашган таъсир, куч ва тасаввурдан ташкил топган.

Умуман, Фаробийнинг ғоялари Шарқдагина эмас, балки Европада ҳам илғор ижтимоий-фалсафий фикрнинг ривожига муҳим рол ўйнади. Фаробий ўзини фалсафага бағишлаган кишидан ахлоқий покликни, тўғрилиқни, меҳнатни севишни, адолатли бўлишни талаб этади. Фаробийнинг ижодини файласуф олим М.Хайруллаев қуйидагича баҳолайди: “Фаробий ижоди таъсирида ўрта асрларда Ўрта Осиё халқларининг араб фалсафаси ва социологияси, умуман жаҳон ижтимоий – фалсафий фикри тараққиётига ўз ҳиссасини қўша олди”²⁴

²⁴Хайруллаев М. Буюк сиймолар. Т.: Фан, 1997. –Б.52.

2.2 И.А. Каримов Шарқ алломаларининг замонавий цивилизациядаги роли ҳақида

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов халқаро конференциядаги “ “нутқида нафақат Шарқ алломалари, жумладан ватанимизда яшаб ижоб этган буюк мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини атрофлича тавсифлаб берди, балки юқорида қайд этиб ўтилган буюк мутафаккирларнинг ижодини бугунги кун таракқиёти, дунё1 цивилизациясининг ривожигаги роли ва аҳамиятини ҳам ҳар томонлама изоҳлаб, тушунтириб берди. Жумладан, унинг фикрича, орадан деярли минг йил ўтганидан кейин ҳам биз ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва қомусий билимлари олдида бугунги куннинг кишиси ҳайратга тушишини эътироф этиб ўтди.

Шу билан бирга давлатимизнинг раҳбари таъкидладики, инсоният бошидан кечирган ҳар хил фожиалар, урушлар, табиий офатлар натижасида буюк алломалар қолдирган мероснинг, айтиш мумкинки, мингдан бир қисмигина бизгача етиб келган, холос. Тарихнинг зулмат ва жаҳолат ҳукмронлик қилган муайян даврларида олимларнинг қувғин ва таъқибга учраб, кўпчилигининг ҳаёти фожиали якун топганини ҳозирги кунда тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Бундай фожиалар оқибатида Александрия кутубхонаси каби Мирзо Улуғбекнинг ноёб кутубхонаси йўқ қилиб юборилгани жамият учун фожеа ҳисобланади. Лекин номлари қайд этилган алломалар ҳаётининг барча қийинчилик ва аёвсиз синовларга қарамадан, ўзларининг илму фан ривожини йўлидаги бурчига, гуманизм ва маърифат ғояларига содиқ қолдилар. Улар илм-фан йўлида ўзларини қурбон қилиб бўлса ҳам тенгсиз меҳнат қилдилар.

“Бу улуғ зотларнинг илм-фан соҳасига бахшида этган ҳаёти, улар эришган ва бугунги кунда бутун маърифатли инсониятни ҳайратга солиб келаётган ютуқлари – бу, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси, деб айтишга барча асосларимиз бор ва биз бундай жасорат олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин ва буни мен алоҳида қайд этмоқчиман, ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда”²⁵.

Юртбошимизнинг эътироф этишича, Ўрта асрлар Шарқ алломалари тмоонидан яратилган буюк асарларнинг кўпчилиги ҳозиргача сақланиб келмоқда. Ўзбекистоннинг ўзида китоб фондларида 100 мингтадан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилган. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қўлёзмалари Европа ва Осиёнинг Буюк Британия,

Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатларидаги кутубхоналарнинг “олтин фонд”ини ташкил этади.

И.А. Каримовнинг фикрича, буюк алломалар томонидан яратилган тарихий асарлар ва илмий бойликлар миллат танимайди. Фан ва илмнинг моҳияти байналминал бўлганидек, ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади. Бундай бебаҳо мулкдан кўплаб келажак авлод вакиллари баҳраманд бўлишлари аниқ. Вақт ўтиб боргани сари қайд этилган нодир бойликларнинг қиммати янада ошаверади. Демак, улар ўзининг оламшумул аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдилар. Аксинча, улар келажакда амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади. “Бу – бебаҳо бойлик, янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, балки янги кашфиётлар учун ажойиб материалдир. Бизнинг давримизгача етиб келган бу бой меросдан бутун башарият равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланиш – бу сиз билан бизнинг вазифамиз, сиз билан бизнинг бурчимиздир. Бу борада фидойи олимларнинг роли алоҳида диққат-эътиборга муносиб бўлиб, айнан уларнинг меҳнати туфайли биз ўтмишнинг бебаҳо илмий меросини қайтадан кашф этмоқдамиз”²⁶.

Юртбошимиз ўз нутқида илм билан шуғулланиш машаққатли иш экани ва оғир фаолият эканини назарда тутиб, бундай машаққатли меҳнатни “Илм билан шуғулланиш – игна билан қудуқ қазиш билан баробар”, деган сўзлар билан таърифлади. Илмсиз инсоният равнақ топа олмайди.

И.А. Каримов Марказий Осиёда илм-фан тарихи бўйича тадқиқот олиб бораётган бир қатор чет эллик олимларнинг фаолиятига тўхтаб,

уларнинг машаққатли хизматини алоҳида эътироф этди. Жумладан, у Марказий Осиё тарихи, этнографияси, археологияси ва санъатининг биз учун номаълум бўлган саҳифаларини очишга ёрдам берган япон профессори жаноб Като ҳақида гапириб, унинг Буюк Ипак йўлини, Бактрия давлатини ўрганишга бағишланган ишлари, 1989 йилдан буён Сурхондарё вилоятининг кўҳна Далварзинтепа ва Қоратепа шаҳарлари ўрнида олиб бораётган археологик тадқиқотлари, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур ва Марказий Осиёнинг бошқа улуғ мутафаккирлари асарларини япон тилига қилган таржималарини юксак баҳолади. Профессор Катонинг илмий фаолияти бизнинг улкан минтақамиз тарихи ва маданияти ҳақидаги билимларни жаҳон мулкига айлантириш борасида муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлади. Профессор Ўзбекистоннинг “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. Президентимиз фикрича, олимларнинг бундай фаолияти халқлар ва давлатлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди, бундай ришталарсиз инсон, халқ, жамият яшолмайди. Одамзот табиати шундайки, у уруш-жанжалларга эмас, балки дўстликка, бошқа халқлар билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлишга интилиб яшайди.

Бундан ташқари И.А. Каримов

таниқли америкалик тарихчи, археолог, антрополог, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, 22 та китоб ва 200 дан ортиқ илмий мақола муаллифи – профессор Фредерик Старр ҳақида тўхталиб, унинг 2009 йилда “Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши” деб ном олган эссеси АҚШда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган йилнинг энг яхши материали сифатида эътироф этилганлигини айтиб ўтди.

Ҳиндистонлик профессор Мансура Ҳайдар хоним “Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарининг тарихий аҳамияти” деб номланган илмий монографияси халқаро миқёсда кенг эътироф этилган бўлиб, у Амир

Темурнинг ҳаётлиги даврида унинг давлатчилик фаолиятига бағишлаб ёзилган ягона китобни батафсил тадқиқ этишга қаратилган. Корея ва Осиё минтақасидаги етакчи олий ўқув юртларидан бири – Инха университети президенти, олий таълим тизимининг тан олинган ташкилотчиси, аэрокосмик муҳандислиги соҳасидаги йирик мутахассис Пак Чун-Бэ Корея Республикасида аэронавтика ва коинот соҳасидаги тадқиқотларга кўп йиллар давомида раҳбарлик қилиб келган. Унинг бевосита ва шахсан иштирокида жорий йилда Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали бакалавр ва магистрларни тайёрлашга ихтисослашган Кореянинг машҳур Инха университети филиали очилади.

Қоҳира университети профессори Магида Маҳлуф хоним “Бобурнома”ни араб тилига таржима қилиш бўйича узоқ йиллик ишини якунига етказганлиги ва асар инглиз, форс ва бошқа кўплаб тиллар қатори эндиликда араб тилига ҳам таржима қилинганлигини таъкидлади. Шарқ тарихи ва фалсафасининг турли йўналишлари бўйича 60 дан ортиқ нашр қилинган ишлар муаллифи, Бельгиядаги Лувен католик университети профессори Юль Янссеннинг илмий фаолиятини ҳам И.А. Каримов юксак баҳолади. Олимнинг “Ибн Сино ва унинг араб ва латин дунёсига таъсири” китоби, “Абу Али ибн Сино ва унинг мероси” тўплами каби асарларини алоҳида эътироф этди.

Яна Президентимиз Хитой Фан ва технологиялар университетининг тарих ва археология факультети раҳбари, профессор Ши Юнлининг номини, Европада таниқли врач, соғлиқни сақлашнинг замонавий тизимини ташкил этиш соҳасида тан олинган эксперт, доктор Марк Боннелнинг фидокорона фаолиятини таъкидлади. Марк Боннел раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган “Абу Али ибн Сино – Франция” уюшмаси Франция ва Европада Ибн Синонинг маданият, фалсафа ва тиббиёт соҳасидаги илмий асарларини оммалаштиришга беқиёс ҳисса қўшаётганлигини, Утрехтдаги Фан тарихи институтидан машҳур голланд олими Роберт ван Гентнинг нашр

этилган ўндан ортиқ китоби, 60 та мақоласи фақат астрономия, картография ва геодезиянинг тарихи ўрта асрлар Шарқида мансуб даврни ҳам қамраб олганлигини алоҳида айтиб ўтди.

Президентимиз И.А. Каримов кунда ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади, деб гапирди ва испан адиби Сервантеснинг, тарих – фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўғит, келажак учун эса огоҳлантиришдир, деган сўзларини келтирди. Унинг фикрини давом эттириб, “тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқ эса ўз келажagini тасаввур қилолмайди”, дея таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг фикрича, “... эришилган билимларни, ўтмишда, жумладан, ўрта асрлар Шарқида амалга оширилган оламшумул кашфиётларни чуқур ўзлаштирмасдан туриб на илм-фанда, на бошқа соҳаларда янги, янада юксак марраларни забт этиб бўлмайди. Биз келгуси фаолиятимизда ҳам айна шу тамойилга қатъий амал қиламиз”²⁷. И.А. Каримовнинг таъкидлашича, бугунги глобаллашув шароитида инсоният олдида янги, глобал муаммолар пайдо бўлмоқда. Улардан иқлим ўзгаришлари, экотизим ва биохилма-хилликни сақлаш ва асраб-авайлаш, табиий захираларнинг тугаб бориши ва бошқа шу каби жуда ўткир муаммоларни мисол қилиб ўтди. Унинг таъкидлашича, мазкур муаммоларнинг оқилона ечими давримизнинг энг кескин муаммосига айланмоқда.

Бу нуқтаи назардан Президентимиз қуйидагиларни таъкидлади: “Ушбу муаммоларни ҳал этиш интеллектуал салоҳиятнинг ҳар томонлама ўсишини, кўп асрлар мобайнида вужудга келган қонунларни қайта идрок

этиш ва янгича баҳолашни, бизни қуршаб турган борлиқни кенг миқёсда ўрганиш бўйича чуқур илмий тадқиқот ва тажрибалар олиб боришни тақозо этиши мумкин”²⁸

И.А. Каримовнинг фикрича, ўтмишда амалга оширилган беқиёс илмий ютуқлардан оқилона фойдаланиш муҳимдир. У *“XXI аср – билим ва интеллектуал тафаккур асри”* деб таъкидлади. Президентимиз айтдики, бугунги кунда “Энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини энг кўп оқлайдиган сармоя – бу инсон капиталига йўналтирилган сармоядир”.

2.2 Глобаллашув жараёнида Ўзбекистон

Ўзбекистон ўзининг улкан тарихий тараққиёти ва ўзига хос ривожланиш хусусиятига эга бўлган мамлакатдир. У жаҳон цивилизациясига буюк ҳисса қўшган, жаҳон тарихида чуқур из қолдирган далаат ҳисобланади. Ана шуларни назарда тутиб, И.А. Каримов ёзади : «Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл - идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳовуддин Нақшбандий, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтиҳори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари

ҳозирги кунда бутун дунёга маълум. (И.Каримов, «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағисида... Т.1997. 140 бет.»)

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида иқтисодий, маданий.ижтимоий жиҳатидан илғор мамлакат ҳисобланади.

Шунингдек,у ўз тараққиёти истиқболлари,имкониятлари жиҳатидан қулай географик - стратегик мавқега эгадир. Ўзбекистон минтақада ҳар томонлама қулай имкониятига эга бўлган истиқболли мамлакатдир.

ҒИ.Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбекистон минтақавий мезонларга кўра юксак даражадаги урбанизация ва саноатлашувни, шунингдек, илмий-техник кадрлар билан таъминланганликни турмуш тартибига ва у Шарқ билан Ғарб мулоқатида воситачи.кўплаб цивилизациялар маънавий алоқасининг рамзи ҳам бўлиши мумкин»(И.Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағисида- Т.1997.144-бет.»)

Ўзбекистон ҳозирги даврда жаҳон цивилизацияси сари ривожланиб бормоқда.Бу ривожланишда ўзига хос ва ўзига мос анъаналар, бетакрор ноёб хусусиятларини сақланиб қолмоқда.

Маълумки, энг йирик цивилизациялар.Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ҳисобланади.Бу цивилизациялар ўртасида умумийлик ва ўзига хослик мавжуд. Қатор адабиётларда Ўзбекистон жамияти қайси цивилизация асосида тараққий этадидеган масала қўйиляпти.

Агар Ўзбекистон Ғарб цивилизацияси асосида ривожланса.у ҳолда Ғарб тараққиётига хос барча иқтисодий,шунунгдек,ҳаётда мавжуд бўлган зиддиятларни ҳам ўзига сингдиради ва қабул этади.

Ўзбекистон Шарқ цивилизацияси асосида тараққий этса,у ҳолда Шарққа хос бўлган ижтимоий хусусиятларни, давлатнинг жамият барча жабҳаларига раҳбарларигининг устунворлигини, анъана, расм-русм,вақтни ўзида мужамссамлаштириши керак. Бу эса ривожланиш жараёнини чўзиб юборади, у ёки бу давлатларнинг ривожланиши намунасини нусха сифатида танлашни қийинлаштиради.

Ўзбекистоннинг тарихий қисмати Шарқ тарихининг бир қисми эканлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, жаҳон тарихи, инсоният тарихи яхлит, бир бутун, умумий бирликдан ташкил топган, ўзаро алоқада, ўзаро боғлиқдир. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилашда қуйидаги тамойилларга асосланиши зарур:

1. тарихий ўтиш даври муаммоларини далиллар асосида аниқ идрок этиш, унинг моҳиятини сеза билиш:

2. миллий анъана, миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш ва такомиллаштириш асосида ривожланиш концепциясини яратиш ва унга қатъий амал қилиш:

3. жамиятнинг барча жабҳаларида: иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий жиҳатларни цивилизацияли йўналишга ўтказиш муаммоларини ҳил этиш:

4. халқлар, давлатлар, миллатлар ривожланишидаги ўзаро ўхшашликлар, тафовутлар ва айрим хусусиятларни қунт билан ўрганиш, улардан фойдаланиш, мослаштириш ва бошқалар:

5. шунунингдек, жамият ривожланишининг энг муҳим омиллари сифатида географик муҳит ва умуман «табiiй» факторлар ролини аниқлаш:

Давлатнинг ҳудудий жойланиши, дарёлар, тоғ, чўл регионларнинг жойланиши, уларнинг ҳўжалик тармоқлари, ер усти, табiiй бойликлар, иқлим, инсон салоҳияти ва бошқаларнинг ўрни ва ролини аниқлаш ва бошқариш.

Ўзбекистоннинг цивилизацияли ривожланиши жаҳон ҳамжамяти билан бевосита боғлиқдир, аммо бу жараёнда у ўзлиги ва ноёблигини сақлаб қолиши керак.

Инсоният ҳозирги жаҳон ҳамжамятининг очикдан-очик кўриниб турган хилма-хиллиги ва кўпқирралигини. унинг барча субъектлари ўртасидаги турли тенг ҳуқуқликни ҳам бутун жаҳон цивилизацияси муваффақиятли ривожланишини табiiй ва зарурий шарт сифатида эггироф этишни талаб қилади (И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...Т.1997 51-52 бет»)

Ғарб цивилизацияси ҳозирги давда ривожланишнинг энг юқори босқичига етди. У жаҳондаги мавжуд цивилизациялар ютуқларини ўзига сингдирди, мазмунан бойиди. Лекин Ғарб цивилизацияси ўз моҳияти, хусусиятлари билан бошқа цивилизациялардан, хусусан, ислом, конфуцизм, япон, хинд, буддизм ва православ маданиятидан фарқ қилади. Бу цивилизациялардан Ғарб идеалига хос бўлган индивидуализм, либерализм, конституционализм, инсон ҳуқуқи, эркинлик, тенглик, қонун устуворлиги, демократия, эркин бозор, черковнинг давлатдан ажратилиши сингари тамойиллар ривожланмаган.

Демократик бошқариш усуллари Ғарбда шаклланди ва ривожланди. Ғарбдан бошқа айрим мамлакатларда вужудга келган ижтимоий, демократик ўзгаришлар Ғарбнинг таъриқи, зўрлаши асосида бўй берди. Улар бевосита халқнинг ўзидан, шу мамлакат цивилизациясидан ўсиб чиқмаган, балки ташқаридан киритилган эди.

Цивилизация - ривожланишнинг муайян бир босқичидаги бирон-бир халқ ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги сифатий ўзига хослигидир. Айрим тадқиқотчилар цивилизация асосини маданият, халқ, ҳудуд билан боғласалар, бошқалари динни асос қилиб оладилар.

Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва цивилизацияли таракқиётида дўнёвий илмлар билан бир қаторда турли диний таълимотлар ҳам ўзига хос ўрин тутган. «Кўҳна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, - деб ёзади И. А. Каримов, - дин ҳар доим одамларнинг ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан ҳалос бўлишга чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, умумхалққа раҳнамо бўлган. Уни оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват этган, бундай даъват ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишлаган; иродасини мустаҳкамлаган, бир-бирига меҳр-оқибатни оширган».

Ҳар бир халқ ўз миллий психологияси, маданияти ва интеллектуал салоҳиятига мос равишда ўз миллий давлатчилигини яратади. Сиёсий ва ҳуқуқий маданият цивилизациянинг муҳим элементи ҳисобланади. Миллий давлатчилик асосларини яратмай туриб, цивилизация яратиб бўлмайди.

Шарқ цивилизациясига хос бўлган қуйидаги муҳим хусусиятларни кўрсатиш мумкин :

- 1) Шарқдаги барча дунёвий, диний ва фалсафий таълимотлар табиатга эҳтиёткорик билан муносабатда бўлишни, сабр- тоқатлиликни тарғиб этган ;
- 2) одамлар орасида бағрикенглик, бирдамлик, ҳамжихатлик руҳи кучли бўлган;
- 3) миллий қадрият ва анъаналар эъзозланган;
- 4) авлод-аждодларга, катталар, ота-онага ҳурмат билан қарашга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Шарқ цивилизацияси бағрида ривожланди. Унинг цивилизациясига хос белгилар: камбағал ва ожизларга ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, табиатга оқилона муносабат, меҳнатсеварлик, сабр-тоқатлилик, ватанпарварлик, катталарга ҳурмат кабилардир.

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси тараққиётига илм- фан, ахлоқ, дин, санъат, маданият соҳасидаги улкан ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшди.

Миллий мустақиллик йилларида ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон ўз миллий қадриятлари, маънавий мероси ва бой маданиятига таяниб, Ғарб ва Шарқнинг умумбашарий қадриятлари ва тажрибаларини ижодий ўзлаштириб, жаҳон цивилизацияси йўлидан бормоқда.

Ҳозирги замон цивилизацияси ўзига хос хусусиятларга эгадир. Энг муҳими, жаҳон цивилизациясини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантиришдир. Жаҳон цивилизациясини таназзулга олиб келадиган қатор таҳдидларни бартараф этиш, инсонни олий қадрият сифатида эъзозлаш, табиатни авайлаб-асраш, экологик хавфсизликни таъминлаш,

оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш, давлатлар, халқлар ўртасидаги низоларни сиёсий йўл билан музокаралар орқали ҳал этиш, турли жиноий уюшмаларга барҳам бериш, халқаро терроризм ва гиёҳвандликка, турли юқумли касалликларга қарши курашиш, кишиларда янги дунёқараш ва сиёсий тафаккурни шакллантириш ҳозирги замон цивилизациясининг муҳим муаммоларидир.

Бундай муаммоларни оқилона ҳал этиш учун турли мамлакат, минтақа халқлари ўртасида умумий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка бўлган интилиш тобора ортиб бормоқда.

И. А. Каримовнинг қатор асарлари ва нутқларида таъкидланганидек, айрим минтақалардаги можаро ва зиддиятлар ўз вақтида оқилона ҳал этилмаса, жаҳон цивилизацияси ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Турли фалсафий системаларда дунёнинг ижтимоий- маданий тараққиёти мезони турлича талқин этиб келинди. Хусусан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, техник ва технологик ютуқлар, табиий географик омилга ижтимоий-маданий ривожланиш мезони сифатида қараб келинди. Ҳозирги пайтда қатор фалсафий адабиётларда шахс маънавияти ва унинг эркинлик даражаси ижтимоий- маданий тараққиёт мезони сифатида кўрсатиляпти.

Миллий мустақиллик йилларида маданиятимизнинг бундан кейинги ривожланиш истиқболлари учун пухта замин яратилди. Бу, аввало, бой маданий меросимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш имкониятларининг яратилганлигида, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилганлиги ва собитқадамлик билан амалга оширилаётганида, миллий маданиятларнинг раванқ топиши ва бир-бирини бойитиши учун қулай шарт-шароитлар яратилишидир.

Жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ аجدодларимиз меросини кенг тарғиб этишда мамлакатимиз илм-фан ва техника салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлигида,

юртимиз ободончилиги йўлида катта тадбирларнинг амалга оширилаётганлигида намоён бўляпти.

Маданият ва цивилизациянинг асосий тамойиллари, қонуният ва хусусиятларини билиш - маънавий камолот манбаидир.

Маданият ва цивилизациянинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан чуқур идрок этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ёш авлодни юксак маданиятли ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш миллий тараққиётнинг муҳим талаби, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош вазифасидир.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида юксак маданиятли инсонни тарбиялаш, қонунчиликка амал қиладиган, фуқаролик бурчини адо этадиган, фуқаролик жамияти талабларига риоя қиладиган, ҳар қандай келишмовчилик ва ихтилофларни оқилона ҳал қила оладиган, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган цивилизацияли баркамол шахсни шакллантириш вазифаси турибди.

Шундай қилиб, маданият ва цивилизация бир-бирини тақозо этадиган ҳодисалардир. Миллий мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳада эришилган ютуқлар мамлакатимизнинг цивилизацияли тараққиёти учун пухта замин яратади.

Ўзбекистон цивилизацияси ва маданияти анча бой ва узоқ ривожланиш тарихига эгадир. У ислом дини, маданияти орқали Шарқ мамлакатлари учун хос бўлган умумий маданият манбаалари билан уйғунлашади. Бу эса ўзбек цивилизациясининг шарқона асосини белгилади. Аммо ўзбек цивилизацияси ўзига хос хусусиятларининг бетакрорлиги, ноёблиги ва миллийлигини сақлаб қолди. Ўзбек цивилизацияси қатор хусусиятлари билан Марказий Осиё давлатлари ва халқлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, яхлит цивилизацияни яратиш имкониятини кучайтирмоқда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон цивилизациясининг йўналиши ҳамкорлик ва бирликни мустаҳкамлашга, айниқса, Марказий Осиё мамлакатларида

маданият, дин ва урф-одатларни ҳисобга олиб интеграциялашув жараёнини амалга ошириш, минтақада цивилизациялараро зиддиятлар кескинлашувининг олдини олишга, маданият ва қадриятларни ўрганиш, авайлаб-асраш, даврга мослаштиришга, мавжуд цивилизациялар ўртасидаги умумий томонларни топиш, цивилизацияларни синтезлаштиришга қаратилгандир.

И.А.Каримов ана шу жараёнлар тўғрисида шундай деб ёзади:

“Марказий Осиё халқларининг интеграцияси бор нарсаси, бу мавжуд воқелик - ҳудудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштараклиги объектив зарурият деб ҳисоблаймиз. Бир-бирига чирмашиб кетган умумий теран томирларига эга бўлган халқларимизнинг маданий, тил ва маънавий бирлиги ҳақида-ку гапирмасамиз ҳам бўлади”²⁹

Давлатимизнинг глобаллашувга муносабати уни тўла қабул қилишдан ҳам ва ундан тўла ҳимояланишдан ҳам иборат бўлмагани ҳолда қуйидаги жиҳатларга асосланиши лозим:

1. Мамлакатимиз ва миллатимиз мақсадлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда глобаллашувнинг ижобий натижаларидан имкон қадар кенгрок ва унумлироқ фойдаланиш;

2. Глобаллашув жараёнининг мамлакатимиз ва миллатимиз ижтимоий - иқтисодий ҳаётига зид бўлган ҳамда маданий - маънавий ҳаётига таҳдид солувчи салбий оқибатларини аниқлаш ва улардан ҳимояланиш;

3. Глобаллашувнинг салбий оқибатларига қарши альтернатив йўللари ва усулларни излаб топиш;

4. Глобаллашувнинг динамикаси ва тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда унга доим мослашиб бориш, фойдаланиш ва зарур бўлганда унинг салбий жиҳатларига қарши курашиш;

²⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.-Б.320.

5.Глобаллашув жараёнидаги асосий йўл миллат менталитети, тарихий маънавий қадриятларини замонавий умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳамда жамиятни эркинлаштиришга хизмат қилувчи илғор демократик қадриятлар билан уйғунлаштиришга эришишдан иборат бўлиши лозим.

Қайд этилган жиҳатлар жамиятнинг глобаллашувга бўлган муносабатида прогрессив ва соғлом консерватизм, миллий анъаналар ва қадриятлар, илғор новацияларга асосланган модернизм, ҳамда чекланган прагматизмдан иборат бўлган ёндашувга хизмат қилиши лозим.

Хулоса

“Цивилизация” тушунчасининг моҳияти ҳозирги кунда унинг дастлаб қўлланилган даврлардаги моҳиятидан анча фарқ қилади. “Цивилизация” ўта кенг тушунча, бундай сифатда у турли-туман маданиятларни ўз ичига олиши ва унинг чегаралари улкан ҳудудларни, аҳолини бирлаштириши мумкин. Якка ҳолда олинган маданиятга нисбатан цивилизация тушунчасини қўллаш нотўғри

Миллатлар ва давлатлараро муносабатларда давр эҳтиёжларидан ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда баъзан иқтисодий, баъзан сиёсий ва баъзан маданий жиҳатлар асосий ўринга чиқади ҳамда глобаллашув жараёнининг ҳам моҳиятига таъсир кўрсатади. Ушбу жиҳатлардан қайси бири олдинга ёки бош ўринга чиқиши бу муносабатларда етакчилик қилаётган давлатнинг ва миллатнинг мақсадлари, хусусиятлари ва имкониятлари билан боғлиқ. Масалан, бугунги глобаллашувнинг моҳиятини кўпроқ иқтисодий ва бу соҳа билан боғлиқ тарзда сиёсий хусусиятлар белгилаб бермоқда. Чунки унда етакчилик қилаётган Ғарб

давлатлари, асосан АҚШ ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда бу жараёнга ана шундай мазмун бермоқдалар.

Тарихий жараён доим ҳам цивилизацияларнинг тараққиёти билан биргаликда борган. Аниқроғи, тарих цивилизациянинг натижаси, деб айтиш мумкин, ва аксинча цивилизация ҳам тарихий тараққиётнинг натижаси. Бу икки объектив жараён бир-биридан ажралмаган ҳолда ёнма-ён боради. Цивилизация маданиятга асосланади. Маданиятлар ва цивилизацияларнинг ўзаро муносабати тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида пайдо бўлган янги ҳодиса эмас. Инсоният шаклланиши жараёни тарихининг ўзи ҳам маълум бир цивилизациялар муносабатларининг ва янги цивилизациялар пайдо бўлишининг натижаси сифатида қаралиши мумкин.

Юқорида қайд этилган ҳолатларда ижтимоий тизимнинг мустаҳкамлик даражаси катта аҳамиятга эга бўлади. Демак, глобаллашув жараёнининг тенденциялари мамлакатда қайта қуришлар ва ижтимоий онгда ўзгаришлар бораётган пайтда кўпроқ ижобий характерга эга бўлади. Баъзан жамиятнинг ижтимоий онгида шундай ҳодисалар юз берадики, унинг айнан шу даврдаги менталитети, психологик ҳолати, ижтимоий кўтаринкилиги, ташқи таъсирга мойил бўлиши мумкин. Бунинг устига миллатнинг психологиясида толерантлик, кўнгли очиклилик хусусияти кучли бўлса модернизация жараёни глобаллашув субъектлари учун муваффақиятли кечади. Бундай шароитда янги ғояларнинг кириб келиши ва тарқалиши, кичик бир ижтимоий сиёсий гуруҳнинг ҳаракатлари ҳам жамиятдаги ижтимоий – сиёсий ва маънавий вазиятни ўзгартириб юбориши мумкин. Шундай ҳолларда объектив ва субъектив омилларнинг бир – бирига мос тушиши ҳам глобаллашув учун ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин. Демак, глобаллашув шароитида юз бераётган модернизация жараёнининг оқибатлари турлича бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур.

Илм-фан ва технологиянинг ўсиши натижасида кириб келаётган ва ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир қилувчи янгиликлардан фойдаланиш ва

уни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш бугунги куннинг талабидир. Шундан келиб чиққан ҳолда бундай янгиликларнинг жамият аъзолари томонидан ўзлаштирилиши учун шарт – шароит яратиш муҳим ҳисобланади. Шу билан бир каторда, миллий қадриятларимизга зид келувчи ва прогрессив традицияларимиз тизимини издан чиқарувчи янгиликларга қарши альтернатив таклиф ва лойиҳаларни ўртага ташлаш талаб этилади.

Глобаллашув шароитида турли тарихий цивилизацияларнинг ўзаро муносабатлари доирасида унинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатлари алоҳида ўрин тутди. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, кириб келаётган янгиликлар тизимида прогрессив ва регрессив, позитив ва негатив потенциалга эга бўлган, баъзи ҳолларда эса маҳаллий тизимнинг манфаатларига айнан мос келиши мумкин бўлган ғоялар ҳам бўлиши мумкин. Бундай ғояларнинг кириб келиши таъсир этаётган ва модернизацияни амалга ошираётган субъектларнинг манфаатларига мос келмаслиги ҳам мумкин. Лекин шунга қарамасдан бундай элементларни янгиликлар тизимидан ажратиб олиб бўлмайди.

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларидаги ижтимоий - тарихий ўзгаришларнинг барчаси иқтисодий, сиёсий ва маданий глобаллашувнинг ҳамда цивилизациялар ўзаро муносабатининг оқибатидир. Глобаллашув жараёнининг барча йўналишлари ўзининг ривожланиш қонуниятлари, тенденциялари ва механизмига эга. Бу йўналишларнинг ичида асосийси (детерминанти) иқтисодий глобаллашув бўлиб, у айниқса XX асрнинг охирига келиб жаҳон иқтисодий тизими сифатида бутунлай янги моҳият касб этди.

Ҳозирги даврнинг иқтисодий глобаллашуви асосида интеграцион жараёнлар ётибди. Иқтисодий интеграциянинг суръатлари шу даражада тез ва кенг қамровлики, у глобаллашувнинг бошқа йўналишларини ҳам, маҳаллий иқтисодий ҳаётнинг характерини ва моҳиятини ҳам белгилаб бермоқда. Бу иқтисодий интеграция тизимининг таъсиридан энг кам сонли кичик миллатлардан тортиб йирик миллатларгача четда қолмаган. Кичик миллатлар ва давлатлар бундай шароитда барча имкониятларини ишга солган ҳолда ушбу жараёнга мослашиб яшашга ҳаракат қиладилар. Бундай мослашишнинг

шакллари ҳар хил бўлиши мумкин. Улардан бири адаптация (мослашув), яъни жамият ички иқтисодий – сиёсий ва маданий ҳаётининг ташқи таъсир натижасида қайта қурилиши. Масалан бунга XX асрнинг асосий воқеалари - революцион жараёнлар, давлатлар гуруҳларининг тузилиши, коалициялар, фундаменталистик ва террористик ҳаракатлар ва бошқаларни позитив ёки негатив моҳиятга эга бўлган ҳолда глобаллашувга қарши туришнинг шакллари деб айтиш мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, маданий глобаллашув даврида цивилизациялар муносабати зиддиятли ва қарама - қаршилиқларга бой бўлган жараёндир. Иқтисодий глобаллашувдан фарқ қилган ҳолда, маданий глобаллашув маълум чегарагача бўлиши лозим. Бундай чегара бузилган тақдирда маҳаллий цивилизациянинг ўзга цивилизациядан ҳимояланиш функцияси ўз вазифасини бажара олмай қолади, унинг оқибатида тизимнинг ички ривожланиш потенциали асосида шаклланган ташқи негатив таъсирга қарши тура олиш қобилияти аста-секин йўқолиб кетиши мумкин. Бу нарса охир-оқибат миллатнинг ижтимоий тартибни сақлаб туришга қаратилган ахлоқий-маънавий манбаларини, яъни негатив омилларга қарши тура олиш қобилиятини бутунлай сарфланиб, унинг емирилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда барча миллатлар ва давлатлар Ғарб маданиятининг таъсирини, аниқроғи, босимини ўзида сезмоқда. Бундай шароитда маҳаллий миллат ёки давлатнинг ташқи таъсир жараёнига қарши кураша олиш қобилияти ва имкониятлари унинг тарихдаги ўрни, маданий моҳияти, турмуш тарзи ва маънавий – маданий қадриятларининг қай даражада сақлай олганлиги билан чамбарчарс боғлиқ.

Маҳаллий цивилизация ва миллий маданиятнинг глобаллашув таъсирида ўзгариб бориши икки хил йўл билан амалга ошиши мумкин: а) табиий йўл билан, яъни фан ва янги технология ютуқларининг кириб келиши асосида маънавий қадриятлар ядросини сақлаган ҳолда босқичма-босқич объектив ривожланиш; б) глобаллашув жараёнига жавобан мажбурий ривожланиш. Биринчи ҳолатда ижтимоий-маданий тараққиёт қонуний тарзда,

субъектив омилларнинг ихтиёрий иштироки ва ҳоҳиши асосида кечади. Бу йўл маданият тизимининг ички ривожланиш потенциалини на фақат сақлаб қолади, балки унинг яшаб қолиши ва динамикаси учун имкониятлар яратади. Иккинчи ҳолда эса давлатлар ва миллатлар иқтисодий, баъзан эса сиёсий жиҳатдан йирик мамлакатларга боғлиқ бўлганлиги оқибатида модернизация шартларини, замонавий маданият ва турмуш тарзини қабул қилишга мажбур бўладилар. Бундай йўл маҳаллий маданият, традициялар ва қадриятлар тизимининг издан чиқишига, миллатнинг моҳияти ва тарихий ўрнини йўқолишига сабаб бўлиши мумкин.

Традициялар миллатнинг ўзига хослиги, қайтарилмаслигини сақлаб қолиш имконини беради, авлодларнинг бирлиги ва боғлиқлигини ифодалайди. Лекин шуни ҳам эсдан чиқармаслик лозимки, традицияга ортикча баҳо бериш ва унинг аҳамиятини ўта бўрттириб юбориш доим ҳам ижобий натижа беравермайди. Чунки, ижтимоий тараққиёт натижасидаги прогрессив омиллар таъсири остида янги авлодларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш қийин бўлади. Бундай ҳолат эса ўз навбатида жаҳон ҳамжамияти доирасида маданий диалог олиб бориш имкониятларини чеклайди, ҳамда кўпчилик томонидан тан олинган умуминсоний қадриятларни ва демократик руҳдаги прогрессив маданиятни кириб келишини қийинлаштиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, цивилизациялар қаторидан муносиб ўрин олиш, жаҳон цивилизациясига ўз хиссасини қўша олиш учун ижтимоий жараённинг субъектлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси цивилизациялар диалогида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши ва тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида фаолият кўрсатиши лозим.

Адабиётлар:

- 1.Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998
- 2.Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат.-Т.: Янги аср авлоди, 2008.
- 3.Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.: Ўзб., 2005.
- 4.Каримов И. А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. Т.: Ўзб., 1996.
- 5.Фалсафа асослари (Қ. Назаров ва бошқалар). Дарслик. Т., 2005.
- 6.Фалсафа: қомусий луғат. Т.: Шарқ, 2004.
- 7.Фалсафа: қисқача изоҳли луғат. Т.: Шарқ, 2004
- 8.Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. I – китоб. Т.: Шарқ, 2004.
- 9.Ғарб фалсафаси. Т.: Шарқ, 2004.
- 10.Фалсафа. Электрон дарслик. Т.: 2009.